**БУГУНГИ СОНДА:**

Ватан ҳимояси – йигит учун муқаддас бурч  3

Санкт-Петербург шаҳри метросида террорчилик амалиёти  6

Марказлаштирилган кириш имтиҳонларида имтиёзли қатнашувчилар 8




# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри | № 14 (20018) 2017 йил 6 апрел. | Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган


# ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ





**31 март куни Миллат қасрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти, мамлакат Ҳукумати Раиси муҳтарам Эмомали Раҳмон бошчилигида республика Ҳукуматининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлис ишида дастлаб кадрлар масаласи кўриб чиқилди. Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобил назорати бошлиғи вазифасини эгаллаб келган Саидзода Маҳмадсаид Борон Ички ишлар вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

Мамлакат Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазири Неъматулло Ҳикматуллозоданинг республика иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини 2017-2018 йиллар кузги-қишки мавсумида узлуксиз ишлашига ўз вақтида тайёргарлик борасидаги ҳисоботи тингланди.

2

## «ЁШЛАР ЙИЛИ» РАМЗИ ТАСДИҚЛАНДИ

**31 март куни Тожикистон Республикаси Президенти, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон ёш рассомлар томонидан тавсия этилган чизмалардан энг яхшисини танлаган ҳолда, «Ёшлар йили» рамзини тасдиқлади.**




Мазкур тимсол айлана шаклга эга бўлиб, унинг атрофида мамлакат гуллаб-яшнаши ва ёшлар озодлигидан дарак берувчи яшил доира акс эттирилган. Доирада «Ёшлар йили» ва «2017» матнлари жойлаштирилган бўлиб, бу тимсолнинг моҳиятини билдиради.

Тимсолнинг ўртасида ер шари жойлаштирилиб, унда давлат бирлик ва мустақиллигидан гувоҳлик берувчи Тожикистон Республикаси харитаси, Миллий байроқ ва тож ўрин олган.

Тожикистон харитасида рамзий тарзда бир-бирининг қўлини ушлаб турган уч нафар ёш Миллий байроқ рангларида тасвирланган бўлиб, бу ўсиб келаётган ёш авлоднинг бирлиги, бахти ва бунёдкорлиги рамзидир.

Вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар, давлат ҳокимияти вилоятлар, шаҳарлар ва ноҳиялар ижроия органлари, оммавий ахборот воситалари «Ёшлар йили» тимсолидан кенг фойдаланишлари мумкин.

*«Ховар» ТМАА.*

## Рустами Эмомали - Душанбе шаҳри Халқ депутатлари мажлиси депутати

2 апрел куни И.Сомоний ноҳиясининг 25 ва Фирдавсий ноҳиясининг 62-сайлов округларида Душанбе шаҳрининг чиқиб кетган депутатлари ўрнига Халқ депутатлари мажлисига депутатлар сайлови бўлиб ўтди.



Душанбе шаҳри Халқ депутатлари мажлиси депутатлар сайлови бўйича шаҳар комиссияси маълумотига кўра, 25-сайлов округида овоз бериш ишлари якуни бўйича Тожикистон Халқ демократик партиясидан номзод Рустами Эмомали 84,80 фоиз овоз олиб, Душанбе шаҳри Халқ депутатлари мажлиси депутати этиб сайланди.

Мазкур округда Рустами Эмомалининг рақиблари Тожикистон Аграр партиясидан Фазлиддин Икромов (7,81 фоиз овоз) ва Тожикистон Демократик партиясидан Ҳикматулло Саидиён (2,65 фоиз овоз)лар олишди.

Манбанинг хабарига кўра, сайловда умумий сондан 86,69 фоиз сайловчилар иштирок этди.

## Муносабатлар янги даражага кўтарилади

Тожикистон ва Япония ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янги даражага кўтаришга тайёр. Бу ҳақда мамлакат Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазири Неъматулло Ҳикматуллозода ҳамда Япониянинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Хажиме Китаокаларнинг учрашуви чоғида зикр этиб ўтилди.

Вазирликдан маълум қилишларича, учрашув чоғида суҳбатдошлар Тожикистон ва Япония ҳукуматлараро комиссияси биринчи мажлисини ўтказиш, савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш, хусусий секторни ривожлантириш ва сармоялар жалб этиш масалаларини муҳокама қилишди.



Томонлар Тожикистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорликлар бундан кейин ҳам самарали ривожланишига ишонч билдиришди.

## Қуролли кучлар сафида хизмат қилган шахсларга имтиёзлар

Тожикистон Республикаси Миллий гвардияси кадрлар тайёрлаш марказида прапоршик курсини тугатган сержанту аскарлар учун йиғилиш бўлиб ўтди.

Миллий гвардия матбуот марказидан хабар беришларича, Тожикистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Бобожон Жамолзода ёшларга танлаган йўлларида садоқату устуворлик тилаган ҳолда, шундай деди: "Қуролли кучлар сафида хизмат она-Ватанга эҳтиром ҳисобланади. Зеро, бугун Тожикистон Республикаси Ҳукумати она-Ватан хизматини адо этган ёшларга мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таҳсилни давом эттиришлари учун имтиёз берган бўлиб, Миллий гвардия унинг амалий бўлиши ва ҳарбий хизматчиларнинг маълумот эгаси бўлишлари учун қулай шароит яратади".



## *Тақдимот*

## ТОЖИКИСТОНУ ЎЗБЕКИСТОН - МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ДУРДОНА ДАВЛАТЛАРИ

Пойтахт Душанбенинг "Шератон" меҳмонхонасида бўлиб ўтган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ("Uzbekistan Airways") тақдимотида сўзга чиққан бошловчи бу иккала ён ва жон қўшниларни Марказий Осиё мамлакатлари аро дурдона давлатлардир, дея тилга олди. Чинданам шундай. Тарихи қадим-қадимларга бориб тақалувчи бу икки халқ асрлар оша дўсту қадрдон, қуда-анда, бир тану бир жон бўлиб кетишганлиги айни ҳақиқат.




Бошловчи сўзни Ўзбекистоннинг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шоқосим Шоисломовга берди. Элчи жаноблари бу икки давлат ўртасида 25 йилдан сўнг ҳаво парвозларининг қайта тикланиши муносабати билан барчани табриклади.

2

## Янгилик яратиш - тараққиётнинг муҳим омили

Жорий йилнинг 14 апрелида Тожикистон Республикаси Фанлар академиясида Тожик илми куни ва Ёшлар йили муносабати билан "Янгилик яратиш - замонавий дунёда тараққиётнинг муҳим омили" мавзусида ёш янгилик яратувчи новаторлар ва ихтирокорларнинг республикавий форуми ва намойиши бўлиб ўтади.



Фанлар академиясидан хабар беришларича, мазкур форум ва намойишда Тожикистон илм ва таълим муассасаларининг ёш новаторлари ва ихтирочилари, олимлар, аспирантлар ва магистрлар иштирок эта олишади.

"Янгилик яратиш - замонавий дунёда тараққиётнинг муҳим омили" республика форум ва намойиши масъуллари Тожикистон Республикаси Фанлар академияси, соҳавий академиялар, Саноат ва янги технологиялар, Маориф ва илм, Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирликлари саналади.

## МАМЛАКАТИМИЗ ҲАФТА ИЧИДА



### Қонунчиликни ривожлантириш муҳокамада

Жорий йилнинг 28 апрелида Россия-Тожикистон славян университетида "Тожикистон Республикаси ва МДҲ мамлакатлари қонунчилигини ривожлантириш замонавий ҳолати ва тенденцияси" мавзусида студентлар тўртинчи халқаро илмий конференцияси бўлиб ўтади.

Россия-Тожикистон славян университетининг ҳуқуқшунослик факултети томонидан Ёшлар йили муносабати ташкил қилинган конференцияда халқаро оммавий ва шахсий ҳуқуқлар, фуқаролик, тадбиркорлик ҳуқуқи ва фуқаролик жараёни, тадбиркорлик фаолияти, муҳожирлик жараёнлари ҳуқуқий муаммоларини тартибга солувчи қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш тенденцияси ва бошқа масалалар муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда.

Конференцияда Тожикистон Республикаси ва МДҲ мамлакатлари олий таълим муассасаларининг студентлари, магистрантлари ва аспирантлари иштироки тахмин қилинмоқда.

### Футбол бўйича аёллар терма жамоаси майдонда

Тожикистоннинг футбол бўйича аёллар миллий терма жамоаси Осиё Кубоги-2018 саралаш турнирини "А" гуруҳида Ироқ термаси устидан ғалаба билан бошлади. Ҳисоб - 1:0.



Терма жамоамиз таркибидаги ягона голни ўйиннинг 87-дақиқасида Жонона Халилова урди. Тожикистон аёллар термаси учун бу тарихдаги биринчи расмий матч эди.

3 апрел куни яна иккита матч ўтказилди: Баҳрайн-Иордания (0:6) ва Филиппин-Бирлашган Араб Амирликлари (4:0).

### Тамаки тутуни қурбонлари

Душанбе шаҳрида "Оммавий ахборот воситаларининг тамакига қарши курашда иқтидор ва имкониятлари" мавзусида таълим семинари бўлиб ўтди.

Тожикистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигидан маълум қилишларича, мазкур семинар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилди.

"Ҳар йили дунё бўйлаб тамаки тутунидан қарийб 6 миллион киши ҳалок бўлади. Бу рақам ОИТС - Одам иммун танқчиллиги синдроми, сил ва безгак туфайли ўлим ҳолатларидан кўпроқ кўрсаткичдир. Агар фаол тадбирлар кўрилмаса, бу сон 2030 йилгача 8 миллионгача ошиши мумкин",- зикр этилди семинар чоғида.



Семинарнинг мақсади ОАВ намояндалари воситасида жамиятга тамаки чекишнинг зарари ва уни истеъмол қилишга қарши кураш йўлларини етказишдан иборат эди.

*ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.*

# ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИ

**Ш.Ф.Шарифзодани Суғд вилоятининг Хўжанд шаҳри раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига мувофиқ ***фармон бераман:***

Шарифзода Шариф Файз бошқа ишга ўтганлиги сабабли, Суғд вилоятининг Хўжанд шаҳри раиси вазифасидан озод этилсин.

*Тожикистон Республикаси*
*Президенти* *Эмомали РАҲМОН,*
*31 март 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
*№ 858.*

***

**М.Муҳаммадзодани Суғд вилоятининг Хўжанд шаҳри раиси вазифасига тайинлаш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига мувофиқ ***фармон бераман:***

Муҳаммадзода Маъруф Суғд вилоятининг Хўжанд шаҳри раиси вазифасига тайинлансин.

*Тожикистон Республикаси*
*Президенти* *Эмомали РАҲМОН,*
*31 март 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
*№ 859.*

***

**Н.Набизодани Суғд вилоятининг Истаравшан шаҳри раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига мувофиқ ***фармон бераман:***

Набизода Наим бошқа ишга ўтганлиги сабабли, Суғд вилоятининг Истаравшан шаҳри раиси вазифасидан озод этилсин.

*Тожикистон Республикаси*
*Президенти* *Эмомали РАҲМОН,*
*31 март 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
*№ 860.*

***

**Б.Иноятзодани Суғд вилоятининг Истаравшан шаҳри раиси вазифасини ижро этувчи этиб тайинлаш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига мувофиқ ***фармон бераман:***

Иноятзода Баҳром Суғд вилоятининг Истаравшан шаҳри раиси вазифасини ижро этувчи этиб тайинлансин.

*Тожикистон Республикаси*
*Президенти* *Эмомали РАҲМОН,*
*31 март 2017 йил, Душанбе шаҳри.*
*№ 861.*

*«Ховар» ТМАА.*

# ҲАМДАРДЛИК ТЕЛЕГРАММАСИ

**3 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин номига ҳамдардлик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

"Ҳурматли Владимир Владимирович!

Санкт-Петербург шаҳри метрополитени станциясидаги ваҳшиёна портлашлар туфайли гуноҳсиз фуқаролар ҳалок бўлганликлари ва жабр кўрганликлари тўғрисидаги хабардан чуқур қайғуга тушдим.

Биз нафрат ҳисси билан бу зўравонлик ҳужумини қатъий қоралаймиз ва асримизнинг даҳшатли ёвузлиги - терроризмни таг-томири билан қўпоришга йўналтирилган ҳаракатлар билан якдил эканлигимизни яна бир марта зикр этамиз.

Ҳурматли Владимир Владимирович, Сиздан ҳамдардлигимизни ҳалок бўлганлар яқинлари ва қариндошларига етказишингизни сўраб, жабрланганларнинг тез фурсатда тузалиб кетишларини тилаймиз".

*"Ховар" ТМАА.*

# ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

1

Давлат бошлиғи Ҳукумат аъзолари ва тегишли тузилмалари диққатини мамлакат халқ хўжалиги соҳасида қишки даврда зарур чора-тадбирларни қабул қилишга яна бир марта қаратди. Вазирлик ва идоралар, давлат ҳокимияти шаҳар ва ноҳиялар маҳаллий ижроия органларига бугунги кундан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавотлар, ёнилғи материаллари, жумладан, кўмир харид қилиш ва тайёрлаш борасида чора-тадбирлар қабул қилиш борасида аниқ вазифалар берилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун музлатиш камераларидан фойдаланиш, мамлакат бозорларини биринчи эҳтиёждаги маҳсулотлар билан таъминлаш борасида аниқ топшириқлар берилди. Бундан ташқари, мамлакат Президенти электр энергиясидан самарали фойдаланиш, ундан фойдаланганлик учун маблағни ўз вақтида тўлаш, пойтахт иссиқлик-энергия марказларининг самарали фаолияти, турли иншоотларнинг иситиш тизимига тўлиқ уланиши, саноат корхоналари фаолиятини кучайтириш, жамият йўловчи транспорти ишини тартибга солиш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакат Ҳукумати аъзолари бир қатор қонун лойиҳалари, жумладан, Тожикистон Республикасининг «Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Тожикистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Тожикистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини тасдиқлашиб, Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлисига кўриб чиқиш учун тавсия қилишди.

Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлиси кўриб чиқиши учун, шунингдек, Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг Тожикистон Республикаси «Тожикистон Республикасининг «Тоғли Бадахшон мухтор вилояти, вилоятлар, Душанбе шаҳри, шаҳарлар ва ноҳиялар Халқ депутатлари мажлиси депутатининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига хулосаси тавсия қилинди.

Мажлисда, шунингдек, Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг Тожикистон Республикаси «Тожикистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбуриятлар ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисида», «Тожикистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ва «Тожикистон Республикасининг «Тадбиркорликни давлат томонидан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳақидаги қарорлари лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мажлиснинг бошқа масалалари, жумладан, 2017-2022 йилларда лаёқатли хотин-қизлар ҳисобидан Тожикистон Республикасининг бошқарувчи кадрларини тарбиялаш, саралаш ва жойлаштириш давлат дастури ҳамда 2017-2021 йиллар Тожикистон Республикасида Шашмақом, Фалак санъати ва устоз-шогирд анъанавий мактабини ривожлантириш давлат дастурига доир тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тожикистон Республикаси Президенти, мамлакат Ҳукумати Раиси муҳтарам Эмомали Раҳмон мажлисда кўриб чиқилган масалалар, Давлат бошлиғи ва Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа топшириқларининг кечиктирилмас ижросини таъминлашни талаб этар экан, Ҳукумат аъзолари ва бошқа марказий давлат органлари раҳбарларига аниқ кўрсатмалар берди.

*«Ховар» ТМАА.*

**Тақдимот**

# ТОЖИКИСТОНУ ЎЗБЕКИСТОН - МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ДУРДОНА ДАВЛАТЛАРИ

1

Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шоқосим Шоисломов шундай деди:




- Бугун Ўзбекистондан Тожикистонга учиши лозим бўлган самолёт баъзи техник сабабларга кўра, бир ҳафтага қолдирилди. Келаси ҳафтанинг 11 апрелида бу парвоз амалга оширилади, албатта. Шу боис, бу ерда иштирок этаётганлардан, айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимларидан бу масалага сиёсий тус бермасликларини сўрайман. Чунки, бу парвоз доимий бўлиши учун ҳам лозим бўлган барча ҳужжатлар мукаммал бўлиши зарур. Шунингдек, икки давлат ўртасида зич, доимий, кенг ва дўстона муносабатлар узлуксиз давом этиши учун эртага 5 апрел куни Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппарати масъуллари ва соҳага тегишли вазирликлару идоралар вакилларидан таркиб топган олий даражали делегация Тошкентда бу борадаги масалаларни кўриб чиқишади.

Элчи жаноблари самолёт чипталари борасида тўхталар экан, 45 дақиқалик йўлга 140 АҚШ доллари қийматидаги нархнинг баланд эканлигини айтди:

- Бу, эҳтимол, тижорат аҳли ва бошқа пулдор кишилар учун ҳеч гап эмас, бироқ менинг назаримда, 45 дақиқалик йўл учун белгиланган нарх баландроқ туюлмоқда. Бу ҳақда бир тўхтамга келмоқ лозим.

Шоқосим Шоисломов фурсатдан фойдаланиб, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург метро бекатида юз берган террористик амалиёт ортидан кишилар ҳалок бўлганлиги юзасидан Россиянинг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчисига чуқур ва самимий ҳамдардлигини баён этди.




Дарвоқе, ушбу тақдимотда Тожикистондаги бир қатор дипломатик корпуслар намояндалари, элчилар, соҳа мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Шоқосим Шоисломовдан сўнг, Россиянинг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Лякин-Фролов Игор Семёнович ва Озарбайжоннинг Тожикистондаги элчиси Аббасали Гасановлар ҳам сўзга чиқишиб, бугунги тақдимот билан иккала давлат вакилларини табриклашар экан, давлатлараро кенг кўламли устувор муносабатларни ҳаво парвозларисиз тасаввур этиб бўлмаслигини айтишди.




Ўзбекистон ҳаво йўллари ҳақида муфассал маълумот берувчи видеоролик томошасидан сўнг, иштирокчиларга хонанда Умар Ҳамдамов жонли ижрода айтган куй-қўшиқлари роҳат бахш этди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов Фармони асосида 1992 йилда таъсис этилган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ("Uzbekistan Airways")нинг бугунги кунда жаҳоннинг 25 мамлакатида намояндалиги бўлиб, Осиё ва Европанинг 25 давлатига парвоз этиб келмоқда. Айни пайтда мазкур ширкатда 15 минг ишчи ходим фаолият юритади.

Ушбу тақдимотдан қайтар эканмиз, иштирокчилар юзларида акс этган мамнунликдан дўстлик ришталарининг устуворлиги барча эллар учун сув ва ҳаводек зарур омил эканлиги англашиларди, гўё.

*Абдулло САИДОВ,*
*"Халқ овози".*

**СЕМИНАР**

# ЭЗГУЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ТАШКИЛОТ

Ўзларига инсондўстлик, бетарафлик, беғаразлик, мустақиллик, ихтиёрий хизмат, ягоналик, жамоавийлик ғояларини шиор қилган Халқаро Қизил хоч комитетининг Тожикистондаги бўлимида журналистлар иштирокида яқинда бўлиб ўтган семинарда мазкур комитетнинг юртимиздаги фаолияти ёритилди.

Дастлаб, ташриф буюрган меҳмонлар, турли касб эгалари, турли вазиятларда жабрланган кишилар комитет ходимаси Мавзуна Мирзоева томонидан қайдга олингач, семинар иши очиқ, дея эълон қилди. Сўнгра Халқаро Қизил хоч комитетининг Тожикистондагаи миссияси раҳбари Клавдия Аззолини кириш нутқини ўқиди.

Шундан сўнг Петро Орланди, Лола Назарова, Елена Филатова, Муроджон Солиев, Беҳруз Миралибеков, Зоряна Вербич, Жулиана Дас Невес Риес Таварес, Ашот Астабастян, Алберт Мадразолар комитет фаолиятининг турли қирраларига тўхтаб ўтдилар.



Миссиянинг Тожикистондаги раҳбари Клавдия Аззолини Норак шаҳридаги Дукона қишлоқ жамоати ҳудудида сув қувури резервуари қурганликлари, шунингдек, 81 оилага кўмаклашгани ҳамда турли ҳолатларда жабрланганларга ҳам ёрдам қўлини чўзганликлари борасида айтиб ўтди.

Кейинги маърузачи Лола Назарова эса, Халқаро Қизил хоч комитети Тожикистондаги миссиясининг 1993-2002 ва 2010дан то шу кунга қадар бўлган фаолиятини таҳлил этиб, комитетнинг асосий ҳамкорларини санаб ўтди. Булар, мамлакат Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик давлат комитети, Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаролар мудофааси комитетлари бўлиб, Қизил хоч комитети улар билан зич алоқани йўлга қўйган. Вақти-вақти билан ушбу органлар ходимлари билан семинарлар ҳам ташкил этиб туради. Бундай семинарлар мавзуси эса, турли ҳолатларда жабрланганларга илк тез ёрдам кўрсатиш, улар билан муомала-муносабат йўл-йўриғи тушунтирилади.

Гап жабрланганлар ҳақида борар экан, хизмат пайтида минадан жабрланиб ногирон бўлиб қолган икки киши ҳам сўзга чиқди. Бири - Саймаъруф Носиров, пойтахтнинг Сино ноҳиясидан. Саймаъруфнинг сўзларига кўра, у хизмат пайтида минадан жабрлангач, II гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Халқаро Қизил хоч комитетининг Тожикистондаги миссияси кўмагида уч хонали квартира соҳиби бўлган. Айни пайтда Саймаъруф Носиров оилали, икки фарзанднинг отаси, «Садбарг» савдо марказида мобил телефонлар савдоси билан шуғулланади. Қизил хоч комитетининг илк ташкил этувчиси Анри Дюнандан миннатдор.

Иккинчиси Отиф Бахтиёров, Мудофаа вазирлигининг собиқ офицери, захирадаги капитан. У 2010 йили Ғарм минтақасида минага учраб, жароҳатланган. Икки фарзанди бор. Қизил хоч комитети ёрдамларидан баҳраманд.



Кейинги маърузачи Елена Филатова Комитетнинг ҳуқуқий масалаларига тўхталиб ўтаркан, бу масалада мамлакат кучга эга тизимлари ҳамда бир қатор олий ўқув юртлари билан зич ҳамкорликнинг йўлга қўйилганини айтиб ўтди.

Муроджон Солиев эса, «Халқ овози» газетаси саволларига жавоб берар экан, Қизил хоч комитети ва Қизил ярим ой жамиятининг алоҳида ташкилотлар эканлигини баён этди.

- Кўп кишилар бу ҳақда нотўғри тасаввурга эга. Шу боис, аниқлик киритмоқчиман. Бу иккиси алоҳида-алоҳида ташкилотлардир, - деди Муроджон Солиев, - Қизил хоч комитети, асосан, уруш бўлган минтақалар ва урушдан жабрланганлар билан ишласа, Қизил ярим ой жамияти эса фавқулодда ҳолатлар, ер қимирлаши, сув тошқини ва умуман, табиий офатлар масаласи билан шуғулланади.

Муроджон Солиев берган маълумотга кўра, Қизил ярим ой жамияти Тожикистонда 1927 йилдан буён фаолият юритади. Айни пайтда республикамизнинг турли минтақасида 69 бўлимга эга ушбу жамият фавқулодда ҳолатларга муносабат билдириш, дастлабки ёрдам бериш, сув санитарияси, оилавий алоқаларни барқарор этиш ва шу каби инсонпарварлик амаллари билан шуғулланаркан.



Кейинги маърузачи Зоряна Вербич Комитетнинг ҳимоя дастури борасида кенг тўхталган бўлса, Жулиана Дас Невес Риес Таварес эса, бедарак йўқолганлар оиласи билан ишлаш ҳақида маълумот бериб, Қизил хоч комитети ушбу дастури ортидан бир қанча бедарак йўқолганлар топилганлигини айтиб ўтди.

Халқаро Қизил хоч комитетининг минтақавий мувофиқлаштирувчиси Ашот Астабастян комитетнинг Марказий Осиёдаги фаолиятига баҳо бераркан, Тожикистондаги миссия ходимлари ўз вазифаларини аъло даражада бажараётганликларини айтиб, одамлар ва уруш мавзусини кенг ёритди. Халқаро комитетнинг Афғонистондаги вакили Алберт Мадразо эса, бу мамлакатда ХҚХКнинг 150 нафар расмий ходими борлиги, қолган 1000дан ортиқ кўнгиллилар эканлигини изҳор этиб, узоқ йиллардан буён уруш алангаси ўчмаётган бу мамлакатда комитет миссиясининг инсонпарварлик хизмати муҳим эканлигини таъкидлади.

Халқаро Қизил хоч комитетининг фаолияти шаффоф эканлигини таъкидлаган мувофиқлаштирувчи Мавзуна Мирзоеванинг журналистлар иштирокида ҳар уч ойда мулоқот ўтказиш борасидаги таклифи йиғилганлар томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

*Абдулло САИДОВ,*
*«Халқ овози».*

**Юрт посбонлари**

# ВАТАН ҲИМОЯСИ МАРДЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ



Баҳор фаслининг иккинчи ойи - апрелдан яна мамлакат Қуролли кучлари сафига навбатдаги чақириқ мавсуми бошланди. Она-Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилиб, ўзларининг йигитлик бурчларини ўташга шошилаётган мард йигитлар сафи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу борада Суғд вилоятининг Панжакент шаҳри етакчиликни қўлдан бермай келаётир.

Мамлакатимизда Миллий армиямизни барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тожикистон Президенти, Қуролли кучлар Олий Бош қўмондони, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг топшириғига биноан, барча ҳарбий қисмлар замонавий шароитларга эга бўлиб, зарур техникалар билан таъминланган.

Ўтган йилнинг октябр ойида Панжакент ноҳияси марказида ўтказилган ҳарбий хизматга жўнатиш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Йигит кишининг асосий бурчи бу, Ватан ҳимоясидир. Буни чин дилдан ҳис қилган йигитлар катта иштиёқ ва муҳаббат билан сафда туришди. Ватан ҳимояси эр йигитдан катта матонат ва мардликни талаб этади.

Шу куни сўзга чиққан Сўжина қишлоқ жамоати раиси Турғун Тошбобоев йигитларга оқ йўл тилаб, ҳар жиҳатдан мукаммал ёшлар ҳамиша Ватан таянчи бўлиб қолишини таъкидлади. Тадбирда ноҳиянинг меҳнат фахрийлари номидан Омон Солиев, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган Дилшод Нарзиев, ноҳиянинг гўзал қизлари номидан Раъно Маҳмудова сўзга чиқиб, ўз йигитлик бурчини ўташга отланган 115 нафар йигитга оқ йўл тиладилар.

-Ўғлим Самариддин Мустафоев ўз хоҳиши билан ҳарбий хизматга бораётгани мени жуда хурсанд қилди. Зеро, хизмат ҳақиқий йигитларнинг иши. Ўғлимни ўқитдим, касб эгаси бўлди. Лекин армияда хизмат қиламан, деб туриб олди. Ўзинг биласан, дедим. Хизматни аъло даражада ўтаяпти. Аллоҳга минг бор шукр, ҳадемай хизмати тугайди. Ўйлайманки, ҳарбий хизматда янада чиниқиб, оқ-қорани таниб келади,- дейди аскар фарзанди билан фахрланиб гапираётган Нажмиддин ака Мустафоев.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бугун Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли бурчни қалбларига туккан ёшлар жуда кўп.

-2015 йилнинг апрел ойида кўнгиллилар қаторида Ватан хизматига жўнадим. Айни пайтда, хизматни Хатлон вилоятида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида ўтаяпман. Республикамиз Миллий армияси, жумладан, мен йигитлик бурчини ўтаётган ҳарбий қисмдаги шароитларни кўриб, юртимиз - Тожикистон буюк келажак сари илдам қадам қўяётганлигига ишонч ҳосил қилдим. Биз - оддий аскарлар учун оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган мамлакат Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонга чексиз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Ватанга содиқ бўлиб хизмат қилиш, мустақил юртимизнинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш мард йигитларнинг Ватан олдидаги қарзидир,- дейди оддий аскар Самариддин Мустафоев.

*Норқул НОРБЕКОВ,*
*Панжакент ноҳияси.*

**2017 йил - Ёшлар йили**

# САХОВАТПЕША ЁШЛАРНИНГ ХАЙРЛИ АМАЛЛАРИ

Қишлоқ ёшларининг аксарияти хорижий давлатлар, асосан, Россияга меҳнат муҳожирлигига отланиши барчага маълум. Куз фаслининг охирида эса, кўпчилиги қишлоққа қайтиб, икки-уч ой оила даврасида бўлишади. Баҳор келиши билан яна хорижга отланишади. Муҳожир, балки қишда ўз уйида дам олса керак, деб ўйларсиз. Дам олиш қаёқда? Оилада муҳожир бош қотирадиган муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Биров уйини таъмирлаши, бошқаси ўғилчасига суннат тўйи қилиши, яна бири янги уй қуриши керак, хуллас, муҳожирнинг дам олишга имконияти йўқ.

Чўпонободни катта қишлоқ, деб бўлмайди. Кўпи билан уч мингдан зиёд аҳолиси бор. Бу қишлоқ ёшлари турли касбкор қилиш билан бир қаторда ёзда муҳожирликка йўл олишишди. Қиш мавсумида эса хориждан қайтган ёшлар билан гавжум қишлоқ баҳор келди дегунча, ҳувиллаб қолади.



Ҳар бир қишлоқнинг ҳам меҳнаткаш, сахий, олийжаноб ёшлари бор, албатта. Биз шундай ёшлардан бири тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Абдулла Ҳалимов ҳар йили Россияга бориб, ишлаб келади. У Россияда қурилиш соҳаси бўйича кўпгина ҳунарлар соҳиби бўлди. Ғишт териш, деворларга ишлов беришдан, томни ёпишгача, ҳамма ишни уддалайди.

Бундан уч йил аввал қишлоқнинг эскириб қолган масжидини замонавий усулда кенгайтириб, қайта қуриш керак бўлиб қолди. 25 йил олдин лойдан қурилган масжид ҳозирги замон талабига жавоб бермас эди. Қишлоқ аҳли маблағ йиғиб, масжид деворини тиклаш учун цементблок (цементли ғишт) сотиб олди. Россиядан қайтган ёшлар кўп эди. Ҳашар бошланди. Қисқа муддатда девор тикланди. Энди масжиднинг томини ёпиш, деворларга ишлов беришга ҳунарманд уста керак эди. Маблағ тахта, шифер, дераза ва эшик сотиб олишга етарди-ю, усталарнинг иш ҳақини тўлашга етмасди.

Шунда Абдулла олижаноблигини кўрсатди:

-Бугунги кунда мустақил мамлакатимиз ҳудудида қурилажак ҳар қандай иншоот ҳамма томонлама замон талабига жавоб бера олиши керак. Ота-боболаримиз масжид қуришда ҳақ олмай ишлаган эканлар. Мен ҳам ҳақ олмасдан савоб учун ишлашга аҳд қилдим. Вақтим камроқ, икки ойдан сўнг Россияга кетмоқчиман. Агар бошқалар ҳам қўлидан келганича ёрдам берса, шу муддат ичида масжид ишининг ҳаммасини юз фоиз битказиб, сизларга топшираман,- деди у.

Ҳамма розилик билдирди. Керакли қурилиш материаллар харид қилинди. Ёшларнинг бир қисми ёрдам бера бошлади. Бир ойлар ичида масжиднинг томи ёпилди. Яна бир ой ичида девор, дераза ва эшиклар иши битказилиб, масжид намоз ўқиш учун тайёр ҳолатга келди. Қишлоқ аҳли Абдулланинг ҳунарига таҳсин айтишди. Масжиднинг ички томони одамлар ҳавас қиладиган даражада кўркам эди...

Абдулла Россияга кетар чоғи одамларга яна бир ишни тайинлади:

- Масжид ҳовлисининг лойдан қилинган деворлари унинг кўркини бузиб турибди. Агар қўлларингиздан келса, пул йиғиб, деворларини цементблок билан кўтарсалар

ингиз, янада кўркамлашарди. Ҳукуматдан комиссия ҳам нуқсон тополмайди,- деди.

Орадан икки йил ўтди. Ташаббускор одам топилмади. Масжиднинг ҳовли девори аввалги ҳолатида тураверди.

Абдулла яна Россиядан келиб ташаббус кўрсатди. Оилалардан пул йиғиб, цементблок сотиб олди. Ҳовли деворлари қулатилиб, унинг жойидан тош фундамент қўйилди. Кейин цементблок билан девор кўтаришди. Албатта, бу ишда ҳаммага Абдулланинг ўзи ўрнак бўлди. Тўғрисини айтганда, ҳаммадан кўп Абдулла ишлади. Баъзи пайтлар икки-уч кунлаб ёлғиз ўзи ишлашига тўғри келди, аммо бошқа ёшларни яхши ишламаганликда айбласак, бу ҳам адолатдан эмас. Бу ишларда Холбобо Ражабов, Абдураҳим Бердиев, Илҳом Соҳибназаров, Муродали Қуватов, Рўзибой Кокулов, Равшан ва Ҳасан Отабековлар, Насим Сувонқулов, Нурмаҳмад Болтаев, Тўйчи Қиличев, Доно Қиличев, Умед Соҳибназаров, Файзали Шарафалиев, Ҳаким Тоғаев, Али Соҳибназаров, Насим Соҳибназаровлар фаол қатнашиб, ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Олижаноб, ватанпарвар, меҳнатсевар Абдулла ва унга кўмакдош ёшларга сиҳат-саломатлик тилаб, ишларига муваффақиятлар ёр бўлсин, деймиз.

*Турназар БЎТАЕВ,*
*Ёвон ноҳияси,*
*Чўпонобод қишлоғи.*

# Суғд вилояти янгиликлари

## 100 ГЕКТАР ЕР ЭКИНЗОРГА АЙЛАНАДИ

Ашт ноҳиясидаги "Сомониён" деҳқон хўжалиги аъзолари жорий йилда қўшимча 100 гектардан ортиқ ерга экин экиб, ҳосил олиш имкониятига эга бўлишди. Улар бунинг учун янги сув тортиш мосламасини ишга туширишди. Бу муҳим ишни амалга ошириш учун 58 минг сомоний маблағ сарфланди. Қайтадан экинзорга айлантириладиган ерларга сув олиб бориш учун 700 метрдан ортиқ қувур ётқизилди.

"Сомониён" деҳқон хўжалиги раиси Шавкат Ёрматовнинг айтишича, қайта тикланган сув тортиш иншооти ёрдамида Ангарсой сойидан секундига 350 литр сув тортиб олиниб, экинзорга узатилади.

Ошоба қишлоқ жамоатида маълум сабабларга кўра сув билан таъминлаш имконияти бўлмай қолиб, экин экишга яроқсиз бўлиб қолган ерларни қайтадан экинзорга айлантириш учун чора-тадбирлар кўриш давом этмоқда. Ўтган йили айнан "Сомониён" деҳқон хўжалиги аъзолари сув тортиш насосининг икки агрегатини таъмирлаб, ишга туширишганди. Бундан қирқ йил олдин қурилган бу насослар вақт ўтгани сайин, яроқсиз ҳолга келганди.

Сув тортиш насосини ишга тушириш маросимида иштирок этар экан, Ашт ноҳияси раиси Зариф Мирдадо хайрли ишга қўл урган деҳқон хўжалиги аъзоларига миннатдорчилик билдирди. У турли сабабларга кўра экин экилмаётган ерларни деҳқончилик учун қайтариш ишларининг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидлади.

Ошоба жамоатида жорий экин-тикин мавсуми вақтида ишдан чиққан 150 гектарга сув чиқарилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мўлжалланган.

Шавкат Ёрматовнинг айтишича, қайтадан экинзорга айлантирилган ерларда бу йил, асосан, сабзавот етиштирилади. Келгуси йилдан бошлаб эса, бу ерлар токзор ва наъматакзорга айлантирилади.

## УКРАИНА ЧЕРНОБИЛЧИЛАР ХИЗМАТИНИ УНУТМАЙДИ

"Биз Чернобил фожиаси офатларини тугатишда қатнашган инсонлар хизматини ҳеч қачон унутмаймиз. Сизларнинг аҳволингиздан хабардормиз. Маҳаллий чернобилчилар раҳбари билан доимий мулоқотдамиз". Бу сўзларни Украинанинг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виктор Никитюк хўжандлик чернобилчилар билан бўлган учрашувда айтди. Бу учрашувда Хўжанд шаҳри раиси Маъруф Муҳаммаджонзода ҳам қатнашди. Учрашувда таъкидланишича, Украинанинг Чернобил шаҳридаги атом станцияси портлаши оқибатларини тугатишда Суғд вилоятидан 1000 нафардан ортиқ киши иштирок этган. Вилоят раҳбарлари чернобилчилар ҳаётидан мудом хабардор бўлиб туришади ва ғамхўрлик қилишади. Чернобилда фидойилик кўрсатган инсонлар шарафига Хўжанд шаҳрида ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган.

Давлат ҳокимияти Хўжанд шаҳри ижроия органи матбуот маркази раҳбари Маҳмуджон Дадабоевнинг хабар беришича, элчи Виктор Никитюк Хўжанддаги сафари давомида "Суғд" озод иқтисодий минтақаси, "Қалъаи Хўжанд" ва "Истиқлол" тарихий-маданий мажмуалари, "Ваҳдат" миллий боғи, "Арбоб" қасри ва янги қурилаётган Сайҳун шаҳрини бориб кўрган.

## ЁШ САНЪАТКОРЛАРНИНГ ЮТУҚЛАРИ

Хўжанддаги Лойиқ Шерали номли санъат мактаби ўқувчилари Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган танловда фахрли - иккинчи ўринни эгаллашди. Хўжандлик ёш санъаткорлар "Наврўз садолари" ансамбл ва кўп овозли оркестрлар халқаро танловида қатнашишди.

Тошкентдан ғолиблик билан қайтган миллий созлар ансамбли раҳбари Дилшод Ҳамроқуловнинг айтишича, танлов ҳакамлари ва тингловчилар тожикистонлик ёш созандалар санъатига катта баҳо беришган. Дилшод Ҳамроқулов бошчилигидаги бу ансамблда санъат мактаби ўқитувчиси, моҳир созанда Замира Жўраева, ёшлигига қарамай, мутахассислар таъбири билан айтганда, "созларни сайратиб юборадиган" Муҳаммаджон Иброҳимов, Муҳаммадзоҳир Муҳаммаджонов, Исмоилжон Азизовлар қатнашишди.

Ўзбекистон Миллий консерваторияси биносида ёш тожик созандалари томонидан ижро этилган куйлар янграганда, миллий мусиқани эъзозлаб келаётган бу санъаткорлар маҳорати олқишланиб, гулдурос қарсаклар чалинди.

## МАСЪУЛИЯТНИ УНУТДИНГМИ, ЖАВОБИНИ БЕР!

Йилнинг дастлабки уч ойида Спитамен ноҳиясида 30 нафарга яқин ота-оналар фарзанд тарбиясидаги масъулиятларини унутганликлари учун жаримага тортилган.

Давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органининг ҳуқуқ комиссияси котиби Азиза Примқулованинг айтишича, ота-оналар, асосан, фарзандларининг таълим муассасасига мактаб кийимида келмасликлари, қўл телефони олиб келишлари ва дарс пайтида компютер марказларига борганликларига йўл қўйганликлари учун жавобгарликка тортилганлар.

"Болаларнинг мактабга жинси шимлар ва бошқа қимматбаҳо кийимларда келишлари бошқа ўқувчиларга салбий таъсир этиши мумкин ва бу амалда исботланган. Бўлмаса, таълим муассасаларини мактаб кийимлари билан таъминлаш бўйича бизнинг ноҳиямиз мамлакатда аввалги ўринлардан бирида туради",- дейди Азиза Примқулова.



Ноҳия маориф ва илм бўлими мутахассисларининг айтишларича, айрим ота-оналар фарзандларининг маънавий тарбиясига ижобий таъсир этувчи, билимини кучайтириб, дунёқарашини кенгайтирувчи китобларни арзимас пулга сотиб олишни исташмайди. Аксинча, ўғил-қизларига қимматбаҳо кийимлар олиб бериб, ўзларининг бойликларини кўз-кўз қилишга интиладилар.

Тожикистон Республикасининг "Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида"ги қонуни ижросига бағишланган йиғилишда сўзлар экан, Спитамен ноҳияси раиси Сулаймонзода Акрам Раҳим бу борада мунтазам иш олиб борилаётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг дастлабки икки ойининг ўзида ноҳиядаги 28та таълим муассасасида меҳнат муҳожирлигида бўлган ота-она йўқлигида уларнинг фарзандлари тарбияси учун масъулиятли бўлган кишилар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Ҳуқуққа оид комиссия аъзолари компютер марказлари, билярд каби ўйинлар ўйналадиган жойлар, таълим муассасалари, бозорларда текшириш ишларини ўтказишди. Бунда комиссия аъзолари билан биргаликда ноҳия прокуратураси, ички ишлар бўлими ходимлари ва бошқа масъул шахслар ҳам қатнашишди.

Йиғилишда ноҳия раиси маориф бўлими мудири, ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими масъули, қишлоқ жамоатлари раисларига ёшлар таълим-тарбияси учун олиб борилаётган ишларни кучайтириш йўлида топшириқлар берди.

*Ўз мухбир.*

# ЯНГИ КУЧДАН ИЛҲОМЛАНИБ КЕТДИК

***Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Тожикистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган 22 декабр 2016 йилдаги Паёмидан Панж ноҳияси меҳнаткашлари ҳам илҳомланиб кетдилар.***

***Жамоатчи мухбиримиз Жайлов Ҳасанов ноҳия қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари, маориф ва тиб муассасаларида бўлиб, Паём юзасидан илғор кишилар билан суҳбатда бўлди. Қуйида ана шу суҳбатлар билан танишасиз...***

**_Жумабой Кўчанов, Эмомали Раҳмон номли пахта уруғчилик хўжалиги звено бошлиғи :_**

- Паём йўлимизда ва ҳаётимизда махсус дастур ролини ўйнайди, десам хато бўлмайди. Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси –Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Тожикистон Республикаси Олий мажлисига йўллаган Паёмини ҳам телевизордан тўла томоша қилдим ва газеталардан сатрма-сатр мутолаа қилдим. Мен қишлоқ хўжалиги ходими бўлиб йигирма йилдан буён, пахта етиштириш билан шуғулланиб келмоқдаман.

Паёмда жумҳуриятимизда қишлоқ хўжалиги муҳим соҳа эканлигига Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон махсус эътибор берган. Паёмда пахтачилик, чорвачилик, паррандапарварлик, балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик соҳаларини келгусида янада ривожлантириш зарурлигини қайд этган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтган йилларга нисбатан маҳсулотлар етказишнинг баландлиги ва халқ дастурхонини фаровон этгани Паёмда рақамлар билан исбот қилинган. Ҳамма соҳаларда Паёмдан Паёмгача катта ўзгаришлар бўлган. 2016 йил биз деҳқонлар ҳаётида фаровон йил бўлди. Оила аъзоларимиз билан 10 гектар майдонга ҳар йили пахта экамиз. Мана яқин ўн беш йил бўлмоқдаки, оила аъзоларимиз билан ҳар йили 28-30 тоннадан пахта ҳосили олиб, соф фойда эгаси бўлаяпмиз.

**_Богдагул Бобоёрова, 46-ўрта умумтаълим муассасасининг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари:_**

- Педагогик жамоамиз ва ўқувчиларимиз 2016 йил 22 декабрдаги Паёмни телевизордан зўр қизиқиш ва мароқ билан томоша қилдик. Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Тожикистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Паёмини ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар кенг муҳокама этдик.




Паёмда Президентимиз ҳамма соҳалар қатори мактаб, маориф, илмни биринчи ўринга қўйиб, сўнгги йил, хусусан, 2016 йилда республикамизда 210та, яъни 39 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган янги мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилган.

Таъкид этмоқчиманки, Панж ноҳиясида 2-ўрта умумтаълим муассасасининг 640 ўринли икки қаватли ҳашаматли биноси фойдаланишга топширилди. Мана етти ой бўладики, мактаб ўқувчилари ёруғ ва замонавий синфхоналарда таълим-тарбия олишмоқда. Биз ўқитувчилар чин қалбдан ҳис этиб, ҳар бир фан соатларини кўргазмали қуроллар, карточка, техника воситалари билан ўтишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ота-оналар, ўқувчилар орасида Паёмни тушунтиришда Комил Шаймонов, Шоҳида Ғуломова, Баҳоваддин Шукуралиев, Аноро й Аллаёрова каби фаол ўқитувчиларимиз намуна кўрсатмоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги пайтда ким билан суҳбатлашманг, Паёмни газеталардан ўқигани ёки телевизордан эшитганини юқори бир ҳиссиёт билан тўлқинланиб сўзлайди ва гапириб бермоқда.

Биз ишонамизки, Ватанимизнинг келажаги янада ойдиндир. Буларнинг ҳаммаси азиз Тожикистонда ҳукм сурган тинчлик мевалари ҳисобланади.

# КЕЛАЖАККА УСТУВОР ҚАДАМЛАР БИЛАН

Тожикистон Республикаси Президентининг ҳар йилги Паёмларида қатъий таъкидланадиган ва уни амалга оширмасдан давлат стратегик мақсадларига эришиб бўлмайдиган муҳим масалалардан бири бу, давлатчилик тараққиётининг бугунги ва эртанги босқичидаги асосий мақсад ва йўналишларни аниқ белгилаб олишликдир. Миллат пешвоси таъкидлаганларидек, мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига чиқиб, Тожикистоннинг шарафли халқи шахдам қадамлар билан гуллаб-яшнаётган жамият қуриш ва осойишта келажак сари ҳаракат қилмоқда.

Бу борада, Миллат пешвоси мустақил Тожикистон давлати 25 йиллик фаолиятини асосли далиллар орқали кўрсатиб, мавжуд ютуқларни Тожикистон жамиятидаги тинчлигу барқарорлик, миллий бирлик ва бир-бирини тушунишлик, ҳокимият ва жамият тушунчаларининг бирлиги, шунингдек, давлат ва Ҳукумат бунёдкорлик фаолиятининг қўллаб-қувватланиши самараси, дея баҳолади.

Тожикистон жамияти диққатини ўзига қаратган яна бир муҳим масалалардан бири бу, 2017 йилнинг Ёшлар йили, дея эълон қилиниши эди. Миллат пешвосининг мамлакат ёшларига бўлган эътиборини у киши ва Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг ёшларга оид олиб бораётган сиёсатидан сарчашма олишлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Бу амал ўтган йилнинг 22 майида Тожикистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга оид умумхалқ референдуми ва конституцион ислоҳотларда бевосита қўллаб-қувватланди. Мазкур конституцион ислоҳот орқали давлат ва Ҳукумат яна бир марта ёшларнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги бунёдкорлик ўрнини таъкидлаб, уларнинг давлат бошқарувидаги бевосита иштироклари учун кенг йўл очиб берди.

Эндиликда юртимизнинг ўттиз ёшга тўлган ёшлари ўзларининг самарали фаолияти орқали қонунчилик, ижроия ва суд органларида олий давлат ҳокимияти мансабларини эгаллаб, адолатпарвар жамият, демократик, ҳуқуқбунёд ва ижтимоий давлат бунёд этиш йўлида ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Шу билан бирга, давлатни унинг олдига қўйилган стратегик мақсадлари, жумладан, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва давлатчилик қадриятларини юксалтириш, конституцион қонунчилик, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлашдан иборатдир.

Миллат пешвоси Паёмидаги мақсадларга эришиш учун, у киши таъкидлаганларидек, тинчлигу барқарорлик, миллий бирлик, давлат мустақиллиги ва тожик халқи ютуқларини сақлашга қаратилган бўлиб, улар азиз Ватанимиз учун қилинган садоқатли меҳнат, бунёдкорлик ҳамда яратувчанлик ишлар биргаликда қилган ҳаракат ва заҳматларига чамбарчас боғликдир. Шунингдек, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон атрофида жипслашиш, давлат ва миллий манфаатларни англаб етиш, ўзликни англаш ва миллий менталитет ҳам ижтимоий давлат бунёд этиш йўлидаги конституцион мақсадлар ва Тожикистон халқининг яхши турмуш даражасини таъминлашга эришиш учун зарур шартлардан бири бўлиб, биз бундай тарихий босқичга кундан-кун яқинлашиб, устувор қадамлар ташламоқдамиз.

*Карим КАРИМЗОДА,*
*Тожикистон Республикаси Конституцион суди раиси ўринбосари,*
*сиёсатшунослик фанлари номзоди.*

## 2018-2028 йиллар – «Сув устувор тараққиёт учун» амалиёт ўн йиллиги

# ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ДИҚҚАТИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Тожикистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти олдида сув захираларидан унумли фойдаланиш борасидаги глобал муаммоларни ҳал этишда фаол ташаббускор ва етакчи мамлакат сифатида эътироф этилган. Бугун мамлакатимиз дунё давлатлари билан ҳамкорликда Тожикистон ташаббуси бўлган «Сув устувор тараққиёт учун» халқаро ўн йиллигини амалга ошириш борасида ҳаракат қилмоқда. Чунки экологик, хусусан, сувга оид масалалар жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турибди.

Тоза ичимлик суви масаласи XXI аср бошида биринчи даражали мавзуга айланиб улгурди. Таҳлилларга қараганда, 2025 йилга келиб, тоза ичимлик сувидан тақчиллик сезаётган мамлакатлар аҳолиси сони 3 миллиардга етади. Бироқ бундай давлатларнинг аксариятида сувни сақлаш ва ундан самарали фойдаланиш зарур инфратузилмаси мавжуд эмас. Биоэнергетика тараққиёти, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилиши охирги йилларда камбағаллик сатҳининг пасайишига салбий таъсир кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги ва энергетика соҳаларида сувдан кўпроқ фойдаланиш заруратини юзага келтирди. Аҳоли камтаъминланган қатламининг етарлича сув ва хавфсиз канализация хизматларидан фойдалана олмаслиги уларнинг турмуш тарзининг яхшиланишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.



Иқлим ўзгариши ва аҳоли сонининг кўпайиши сувга боғлиқ бўлган вазиятни янада қийинлаштирмоқда. Инсоният шундай бир замонга етиб келдики, унда бу масаланинг ечими фақат сувни тежаш технологияларини тараққий эттириш ҳамда сув захираларидан фойдаланишдаги самарадорликни имкон қадар ошириш, шунингдек, сувдан оқилона фойдаланишга бўлган одамлар ҳамда янги авлод муносабатини ўзгартишга алоқадор бўлиб қолмоқда.

Сувдан самарали фойдаланиш сув захираларини бошқаришдаги янги иқтисодий инфратузилмага боғлиқ бўлиб қолмоқда. Унинг етарлича таъсир кўрсатишини оширишдаги сув инфратузилмасига сармоя ўтказиш зарурати сув соҳасидаги тўғри иқтисодий сиёсатга боғлиқдир. Сув инфратузилмасини фаол ушлаб туриш тараққий этаётган мамлакатлар ривожи ва уни кенгайтиришда стратегик аҳамият касб этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Маслаҳат кенгаши маълумотларига қараганда, сайёрамиздаги ҳар 6 кишидан 1 нафари (894 миллиондан кўпроқ киши) сифатли тоза ичимлик сувига эҳтиёж сезади, 2,5 миллиард нафар киши, жумладан, 1 миллиард гўдак санитариядан фойдалана олмай, 4 минг гўдак ҳар кун ностандарт ва тоза ичимлик суви танқислигидан турли юқимли касалликларга чалиниб, дунёдан кўз юмади.

Шунингдек, Тожикистон Республикаси ҳам жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас бўлаги сифатида дунё миқёсидаги масалаларни ҳал этиш борасида кўпгина ишларни амалга оширди. Тожикистон ўз олдига қўйган шундай жиддий масалалардан бири, бу интеграцион муносабатлар доирасида дунё мамлакатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар диққатини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф-муҳит ҳимояси, сув захиралари, ундан оқилона фойдаланиш ва тартибга солишга доир масалаларга қаратишдан иборатдир.

Тожикистон 800 миллиард куб километр сув захирасига эга. Марказий Осиё сув захираларининг 56 фоизини ташкил этадиган минтақа дарёларининг тахминан 64 миллиард куб километр суви манбаи -Тожикистон. Мамлакатимиз ўз дарёларидаги сувдан фақат 15 фоизини ишлатса, қолганлари тўлиқ дарё этагидаги давлатлар томонидан фойдаланилади. Айни пайтда, мамлакат аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ёрдам берувчи томонлар қўллаб-қувватлаши орқали бир қатор лойиҳалар татбиқ этилмоқда. Бу мақсадлар Миллий тараққиёт ва Камбағаллик сатҳини пасайтириш стратегияларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, Тожикистон Ҳукумати сувга боғлиқ масалаларни давлат, минтақавий ва халқаро даражада ҳал этишга алоҳида эътибор қаратади.

*Бобо МИРЗОЕВ,*
*КАС иқтисодиёт кафедраси мудири, доцент.*
*Жаҳонзеб РАСУЛОВ,*
*Тожикистон Аграр университети фалсафа ва сиёсатшунослик кафедраси ассистенти.*

---

## Орамиздаги одамлар

# ЭЪЗОЗ

**Жамият амалда исботланган яхши фазилатларнигина эътироф этади ва ҳурмат қилади…**

**Кимда-ким ўз баҳосини аниқ билмоқчи бўлса, уни фақат халқдан билиши мумкин, бинобарин, ўзини халқ ҳукмига ҳавола қилиши керак.**

*К. ГЕЛВИЦИЙ.*

Салобат ва виқор тўкиб турган Туркистон тизма тоғи этаги ҳамда жўшқин Зарафшон дарёси соҳилидаги Сарикамар қишлоғининг ўзига хос табиати, заҳматкаш одамлари бор. Бу ер тонгининг таровати бўлакча. Аҳматқул ака Умматқулов субҳидамда ёқимли насимдан баҳраманд бўлиб, бугунги қиладиган ишларига холис ният билан йўлга отланади. У киши давлат ҳокимияти Панжакент шаҳар ижроия органи молия бўлимининг хазинадорлик бўлими бошлиғи вазифасида фаолият юритади.

Аҳматқул Умматқулов 1955 йил 8 апрелда Панжакент шаҳрининг Хурми қишлоқ жамоатига қарашли Сарикамар қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Болалигидан билим сирларини ўрганишга алоҳида иштиёқ сезди. Ёш Аҳматқулнинг энг қизиққан фани математика эди. Бошланғич синф ўқитувчи-устози Рустам Расулов, математика фани ўқитувчиси Ҳаким Қулжонов, Облоқул Ҳамроев, Мая Эгамоваларнинг жозибакорлик касб этган машғулотларини ҳеч қачон унутмайди. Қаҳрамонимиз 1972 йил жамоатдаги Катта қишлоқ (ҳозирги Хуррамобод)даги Т.Г. Шевченко номли 12-ўрта умумтаълим мактабини аъло баҳолар билан тугатиб, шу йили Тошкент Давлат университетининг математика факултети талабаси бўлди. Илк фаолиятини 1977 йил олийгоҳни тугатиб, махсус йўлланма билан Самарқанд вилояти Советобод (ҳозирги Нуробод) ноҳияси 46-ўрта умумтаълим муассасасида ўқитувчи сифатида бошлади.

1982-1991 йиллар давомида Панжакент шаҳридаги Хурми қишлоқ жамоатида бош ҳисобчи вазифасида фаолият юритди. 1988 йил Тошкент Халқ хўжалиги олийгоҳини иқтисодчи мутахасислиги бўйича тамомлади. Шу билан иккинчи мутахассислик соҳиби бўлди.

1991 йилдан Панжакент шаҳар молия бўлимида бош ҳисобчи, кейин эса, хазинадорлик бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритиб келмоқда.



Аҳматқул Умматқулов умрининг қимматли 40 йилини ҳисоб-китоб ишларига бағишлаган вилоятимиздаги таниқли иқтисодчи, шу билан бирга ажойиб дилкаш инсон.

Аҳматқул ака нафақат ҳисобчи, балки устоз-мураббийлик соҳасида ҳам фаолият юритади. У республика Молия вазирлиги томонидан ҳар йили ўтказиладиган кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, ўз соҳасига оид замонавий маълумотларни ўзлаштириб, ҳисобчилик халқаро стандартлари бўйича тренерлик сертификати соҳибидир. Шу сертификат бўйича шаҳримиз миқёсида фаолият кўрсатаётган 200дан ортиқ бюджет муассасалари ҳисобчиларига халқаро стандартларга жавоб берадиган бухгалтерлик ҳисоби юзасидан назарий ва амалий дарс машғулотларини мунтазам олиб бормоқда.

Бугунги кунда шаҳар ва жамоатлар бухгалтерлар жамоаси Аҳматқул ака Умматқуловни нафақат раҳбар, балки ўзларининг устози сифатида билишади.

Суғд вилояти молия соҳаси тараққиётида узоқ йиллар сермаҳсул ва самарали хизматлари учун вилоят ва шаҳар молия бўлимлари томонидан бир неча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Аҳматқул ака Умматқулов оилали, уч нафар фарзанднинг отаси, етти невара - тўрт ўғил, уч қизнинг меҳрибон бобоси. «От изини той босар»,- деганларидек, фарзандлари ҳам ота изидан бориб, иқтисодчи-бухгалтерлик касбини танлашган. Тўнғич ўғли Асқаржон Умматқулов айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бош ҳисобчиси. Шу билан бирга, Иқтисодиёт институти магистратураси талабаси. Темур Умматқулов эса, Тошкент Молия институтини тугатган. Қизи Феруза Умматқулова Тошкент Иқтисодиёт институтини тамомлаган.

Аҳматқул ака узоқ йиллар давомида ҳисоб-китоб билан шуғулланганлиги боисми, Тожикистон Республикасининг «Тантана, анъана ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши ва Сарикамар қишлоғимизда бўладиган тўй-ҳашам, урф-одатларнинг камхарж ўтишига бош-қош бўлиб келадилар. Ўз сармоясидан савоб йўлида хайрли ишларга қўл уришлари эса, таҳсинга лойиқдир. Шундан бўлса керакки, Аҳматқул ака Умматқулов қишлоғимиз, қолаверса, шаҳримиздаги ҳурматга сазовор кишилардан бири.

Ҳа, албатта, шундай ўз касбининг фидойиси, энг яхши инсоний фазилатлар соҳиби, элу юрт фаровонлигини истайдиган ва саховатли кишилар ҳамиша элнинг назарида, халқнинг эъзозида бўладилар.

*Камолиддин ҚЎЧҚОРОВ,*
*Панжакент шаҳри.*

---

## МУЛОҲАЗА

# НАҲЗАТЧИЛАР – ИСЛОМГА БЕГОНА КИМСАЛАР

Ислом дини ватанпарварлигу ватансеварликни имондан, дейди. Пайғамбаримизнинг ҳам ватанпарварлик имондандир, деган ҳадиси халқ орасида жуда кўп тилга олинади. Ўзини имон-эътиқод эгаси санайдиган, қўлини кўксига уриб, ўзидан комил мусулмон ясайдиган ҳар бир киши ўз ватанини жон қадар севиш, бу тоифа одамлар ватанга доимо содиқ бўлиши ва доимо уни обод қилиш фикрида юриши керак. Аммо тинчлигу осойишталик, хотиржамлигу барқарорлик бебаҳо хазина ва энг нодир бойликка айланган бугунги шароитда баъзи кишилар уни орадан кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Асоссиз туҳматлар ва ўз тасаввурларидаги ёлғон факту далиллар билан ҳар доим уни йўқотиш илинжида бўлишмоқда. Бундай одамларни на дин, на миллат ва на давлат қизиқтиради. Улар ватанни хорижликларнинг ўйин майдонига айлантирмоқчи бўлишаётир. Қаердан минбар топишса, биринчи ишлари ўз Ватанларидан гина қилишади.

Ўзларидан асл мусулмон санаб, бошқаларни Худо ва унинг пайғамбарининг душмани этиб кўрсатмоқчи бўлишади. Гўё юқорида келтирилган ҳадиснинг уларга умуман алоқаси йўқдек. Мудом фитна қўзғатиш ва бир мусулмонни бошқаси билан уриштириш пайидан бўладилар. Гап нимадалигини англаган бўлсангиз керак. Ҳа, гап яна ватанида фаолияти тақиқланган Ислом тикланиш партияси ҳақида бормоқда. Тожикистондаги фаолияти расман тақиқланмаган даврга қадар, улар мамлакат ичкарисида тинчлигу барқарорликка бир неча марта рахна солишган эди. Аммо бунга ҳам қаноат қилмасдан, қўлларига қурол олишди. Охир-оқибат, бир неча ватандошларининг сабабсиз ўлимига сабаб бўлиб, мамлакат ташқарисига йўл олишди.

Давлат ташқарисида яна ишни Ватанларини танқид қилиш ва номини қоралашдан бошлашди. Гўё бу ишлари билан улар қасд олмоқдалар, Аммо кимдан қасд оладилар? Ватанданми ё миллатдан? Наҳзатчилар учун Ватан ҳам, миллат ҳам, отаю она ҳам бир пуллигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

Кабирийнинг 2017 йилнинг апрел ойидаги мурожаати аввалгилари каби ҳаммадан гина қилаётган тарзда садо берди. У ўзи ва партиядошларининг гуноҳларини унутган ҳолда, ҳамма айбни ҳукуматнинг зиммасига ағдармоқчи бўлади: "Бугун наҳзат билан юз бераётган гуруҳий ҳибсга олишлару ўлдиришлардан тортиб, ҳижрату парокандалик ва умидсизликларнинг барчаси моҳиятан ўша босқичлар ва саҳифаларнинг такроридир. Фақат бошқача шакл, давр ва минтақада. Шубҳасиз, вазиятни ўзгартирадиган нарса мақсадга ишониш ва устувору совуққонлик билан кураш олиб боришдан иборат бўлиб, марҳум устоз ўз издошларига бу йўналишни миллат кураши сифатида мерос қолдирган".

Наҳзатчиларнинг мақсадлари ўша даврдан бугунги кунгача ўзгармаган ва қайси пайтгача фаолият юритсалар ҳам ўзгармаслиги аниқ. Кабирий бу ерда ҳижратни васф этиб, бошқаларни ҳам унга тарғиб қилади. Шояд баъзилар назарида Кабирийнинг бундай сўз юритиши кутилмаган ва ногаҳоний бўлса. Аммо ҳақиқатдан йироқ бундай сўз юритишлар наҳзат раҳбарлари томонидан мудом айтилиб келинган.

Наҳзатчилар ўша замонда ҳам халқ конституцион ҳукуматни ҳимоя қилмасликлари учун ташвиқот қилишарди. Кабирийнинг устози Саид Абдуллоҳ Нурий ҳам шундай ваъдалар берар, Афғонистонга ҳижрат қилмаганларни "кофир", дея эълон қиларди. Менинг фикримча, Кабирийнинг бугунги мурожаатларини Саид Абдуллоҳ Нурийнинг 1994 йилдаги мурожаатларига қиёслаш айни муддаодир. Кабирий шундай дейди: "Миллат, дин ва Ватан учун кураш мақсадидаги битта кичик гуруҳ учун имон ва инсоний вазифа бўлган ва шундай бўлиб қолади ҳамда аввалига ҳамиша уларнинг ишини аксарият беҳуда бир амал ва ҳатто, нораво ҳам ҳисоблашади".

Нурий шундай деганди: "Бугун исломий жиҳод пистирмасини ташлаб, куфр ҳукуматига қайтиш, куфрга ёрдам бериш ҳисобланади" ("Чароғи рўз", 1994 йил). Лекин кейинчалик уларнинг ўзлари бу "куфр ҳукумати"га келиб, вазифа эгасига айланишгани, ўзларининг "жиҳодчилари"ни унутишиб, уларни бошқа эсламаганликларини кўрдик.

Бугун йўлларини йўқотган ва манқуртга айланган наҳзатчилар мамлакат ташқарисида қаердан минбар топишса, Ватан ва унинг тинчлигу бирлиги, миллату давлатнинг тараққиёту ютуқларидан шикоят қилишлари бугун барчага маълум. Бирор етимнинг қўлидан тутишмагани, йўлларни обод этишмагани, кўприк қурмаганликлари, бирон кишига моддий ёрдам кўрсатмаганликларига қарамасдан, сафсата сотишади. Шиору плакатлар билан гадо каби элчихоналар ёнига боришади-ю, бу ишлари билан душманларни хурсанд этишади. Наҳзат раҳбарлари давлатдан гина қилишади. Аммо аксариятининг ота-оналари бугун ушбу давлат нафақаси ҳисобидан кун кечиришади. Бу барча нарсаларни унутишди, гўё билишмайди ёки аниқроғи, билишни исташмайди, деганидир.

Ислом дини ҳақида ҳам тинимсиз ёлғон гапиришади. Ҳатто ушбу диндан шахсий ва гуруҳий манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилишади. Софу пок бўлган динни ўзларининг ифлос сиёсатига аралаштиришди. Ўзларини дин ва халқ ҳимоячиси сифатида таништиришади, аммо ҳақиқатда эса, Ислом ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар. Йигирма йил аввал улар домига тушиб қолган Тожикистон жамияти бу сафар уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлди. Шу сабабли, халқ орасида мавқеини қўлдан бериб, хорижий мамлакатларнинг махсус хизматлари уларнинг ягона ҳимоячиларига айланди. Интернет тармоқлари ва ижтимоий саҳифаларда сафсата сотишларнинг барчаси вақтинчалик эканлигига ишончим комил. Зеро, ўз динини суиистеъмол қилиб, ундан нопок мақсадлари йўлида фойдаланган шахс Худо ва унинг бандалари лаънатига дучор бўлади.

*Низор ШАМСИДДИН.*

---

# Хатлон вилоятидан хабарлар

## Тадбиркор аёллар ташаббуси

Хатлон вилоятининг тадбиркор аёллари эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу тадбир камтаъминланган оилалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш акцияси доирасида ўтказилди.

Давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш сектори мудири Хатича Бекованинг хабар беришича, Вахш ноҳияси кар болалар мактаби ўқувчиларига тадбиркор аёллар, жумладан, «Дурахш» МЧЖ раҳбари Раъно Нозирова ва бошлиғи Гулбаҳор Мақсудхожаева бўлган «Бонувони Хатлон» жамоатчилик ташкилоти томонидан ёрдам кўрсатилди. Ўқувчиларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва спорт кийимлари тақдим этилди.

## «Корвони маърифат» Жалолиддин Балхий ноҳиясида

Жалолиддин Балхий ноҳиясида «Корвони маърифат» акцияси доирасидаги тадбирлар бўлиб ўтди.

Хатлон вилояти раиси аппарати ахборот-таҳлил бўлимидан хабар беришларича, ноҳия маркази – С. Исоев номли шаҳарчада аҳолига буклетлар, вилоят газеталари, шунингдек, 2018-2028 йиллар «Сув устувор тараққиёт учун» ўн йиллик халқаро амалиётига бағишланган материаллар тарқатилди.



Бундан ташқари, 33-ўрта умумтаълим муассасасида футбол, волейбол, стол тенниси, шашка, шаҳмат ва миллий кураш бўйича мусобақалар уюштирилди.

«Гулистон» қишлоқ жамоати маданият қасрида давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи Хотин-қизлар ва оила ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган «Энг яхши оила» ва «Энг яхши пазанда аёл» танловлари бўлиб ўтди.

Тадбир жараёнида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари томонидан аҳолининг кўчма қабули ташкил этилди. Ноҳиянинг 1400 нафар фуқароси тиббий ёрдам ва мутахассислар маслаҳатидан баҳраманд бўлишди.

## Янги корхона ишга тушди

Сарбанд шаҳрининг «Гулистон» қишлоқ жамоати ҳудудида Наврўз байрами нишонланаётган кунлар пластик қувурлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.

Корхона фаолиятини бошлаб бериш тантанали маросимида Хатлон вилояти раиси биринчи ўринбосари Қурбон Ҳакимзода иштирок этди.

- Янги корхона ва ишлаб чиқариш цехлари очилиши иқтисодиёт равнақи ва бозорларни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлашга имконият яратади, - деди ўз чиқишида Қ. Ҳакимзода.

«Субҳи Сарбанд» МЧЖ қошида фаолият юритадиган корхонада қишлоқ жамоатининг 20 нафар фуқароси доимий иш жойи билан таъминланади.

## Чигит экиш бошланди

Наврўз байрами кунлари Хатлон вилояти раисининг биринчи ўринбосари Қурбон Ҳакимзода Сарбанд шаҳридаги Бохтуробод ишлаб чиқариш кооперативига ташриф буюрди.

- Агротехник қоидаларга риоя этиш ҳамда сифатли уруғлар экиш мўл ҳосил яратилиши омилидир, - деди хўжалик деҳқонлари билан мулоқот пайтида вилоят раиси биринчи ўринбосари.



Қурбон Ҳакимзода учрашув жараёнида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига фойдали маслаҳатлар берди.

Вилоят раисининг биринчи ўринбосари чигит экиш маросимини бошлаб берди. Айни пайтда мазкур хўжалик деҳқонлари ихтиёрида 296,6 гектар экин майдонлари мавжуд. Хўжалик меҳнаткашлари жорий йил 215 гектар майдонда пахта етиштиришни режалаштирганлар. Шунингдек, хўжаликда турли сабзавотлар, ғалла маҳсулотлари ҳамда картошка етиштирилади.

Бундан ташқари, Хатлон вилояти раисининг биринчи ўринбосари Қурбон Ҳакимзода Сарбанд шаҳридаги кўчат етиштиришга мослаштирилган «Абдукарим» номли хўжаликка ташриф буюрди. Айни пайтда хўжаликда сосна, кипарис, палма ва бошқа манзарали ҳамда мевали дарахтлар кўчати сотувга тайёр турибди.

«Абдукарим» хўжалиги раҳбариятининг тасдиқлашича, зарурат туғилганда, улар бундан ҳам ортиқ кўчатлар етиштириш имкониятларига эга.

- Хўжалигимизда етиштирилган кўчатларга нафақат Хатлон вилояти, балки ундан ташқарида ҳам талаб каттадир, - деди хўжалик раҳбари.

## Ёшлар ва оила

«Корвони маърифат» маданий-тарғибот акцияси доирасида Хатлон вилоятининг Жайҳун ноҳиясида намунали оилалар билан учрашув ўтказилди.

Тадбир жараёнида ноҳиянинг олтита намунали оиласи вакиллари тўпланишди. Йиғилиш қатнашчилари ҳузурида вилоят раиси ўринбосари Махфират Хидирзода ва Жайҳун ноҳияси раиси Фотеҳ Аминзодалар чиқиш қилишди.

- Ҳар бир оиланинг ўзига хос жиҳатлари бор ва бахтиёрликни ҳар бир оила ўзича тушунади, - деди М. Хидирзода. – Оилавий ҳаётда ягона стандарт бўлмаганидек, оилавий бахтнинг ҳам ягона ўлчови йўқ. Ноҳиянинг намунали оилалари бугун ёшларга ўз ҳаётий тажрибаларидан сўзлаб беришлари улар учун жуда яхши имконият ҳисобланади. Шундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш тақозо этилади.

Тадбир давомида ноҳияда ёшлар иштирокида акция, Ато Муҳаммаджонов номли вилоят мусиқий-комедик театри артистлари чиқишлари, шунингдек, ижодкорлар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

*Ўз мухбир.*

## Сенинг фарзандларинг, Тожикистон!

***Ҳаётни ҳар ким ўзича тасаввур қилади. Бировлар умр мазмуни деб ўз тинчини билса, бошқалар элга хизмат қилишни, халқ дарди, эл бахти, дея яшашни ўзига одат қилиб олган бўлади. Кишиларнинг бахт ҳақидаги тушунчалари ҳам ҳар хил. Кимлардир ўзгалар кўнглини ранжитиш билан ўзини бахтиёр ҳис этса ва бундан завқ олса, кимлардир ўзгаларга севинч ҳадя этгани билан бахтиёр, шундан роҳатланади. Кимлар учун оила шунчаки бир омонат қалъа, кимлар учун мустаҳкам қўрғон. Ҳар бир одам қаршисида икки йўл бор -у ёки шунчаки тирикчилик учун умргузаронлик қилади, ёхуд ўзини қандайдир улуғроқ нарса учун яратилган, деб ҳисоблайди. Пировард натижа– бир одам номини деворга, бошқаси юрак дафтарига ёзади. Бешкентлик Раймқул ака Ҳайдаров иккинчи тоифага мансуб кишилар қаторига киради. Ушбу ҳикоямиз умрининг етмишинчи баҳорини қаршилаш арафасида турган бу табаррук инсоннинг ибратбахш ҳаёт йўли тўғрисидадир.***

# ЮРАК ЛАВҲИГА БИТИЛГАН ҲАЁТ...

– Ер илмининг ҳақиқий билимдони, академиги, асл деҳқон!

Бу халқнинг Раймқул акага нисбатан айтган гапи. Чин кўнгилдан айтилган бу сўзлар, бу таъриф халқ томонидан берилган норасмий, аммо энг олий унвондир. Баҳоси йўқ унвон!

Раймқул ака ақлини танибдики, ер билан тиллашади. Зеро, у деҳқонзодалар авлодидан. Ерга меҳр, деҳқончилик унга отадан мерос бўлиб ўтган. Отаси унга офтоб тиғида ярқираб ётган кетмонни топширар экан, ер ризқ-рўз манбаи, унга деҳқончасига ишлов берсанг, ҳеч қачон панд бермайди, деган эди. Падари бузрукворининг бу ҳикматли сўзларини қулоғига сирға қилиб олган Раймқул ака ер илмини пухта ўрганиш мақсадида Тожикистон Қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факултетига ўқишга кирди. «Бешкент» колхози бош агрономи давридаёқ ҳақиқий мутахассис сифатида элга танилди. Ўшанда хўжаликнинг суғориладиган ерларини кичик Бешкент канали ва Чилучорчашма суви таъминлар, ёз ойларида сув танқислиги катта муаммога айланарди. Чунки сентябр ойларигача кичик Бешкент канали қуриб, ҳатто парранда ичишга сув тополмай қоларди. Нега деганда, бу канал Шаҳритуз ноҳиясидан ўтар, улардан ортиб қолсагина сув «Бешкент» хўжалигига етиб келарди. Шу боис, хўжалик ерларидаги экинлар, боғроғлар қуриб, яроқсиз ҳолга келиб қоларди. Ана шундай қийин шароитда Раймқул ака бош агроном бўлиб ишлаган «Бешкент» колхози пахта етиштириш бўйича республикадаги энг илғор хўжаликлар сафидан ўрин олган эди.



Бешкент чўли ўзлаштирилиб, 44 километр масофага чўзилган «Катта Бешкент» канали ишга тушгач, янги ўзлаштирилган ерда биринчи совхоз ташкил этилди ва унга кимни раҳбар қўйиш масаласи узоқ муҳокама этилмади. «Бешкент-1» совхози директорлигига Раймқул аканинг номзоди кўрсатилди. Бу воқеа 1981 йил рўй берган эди. Ўшанда чўл шароитида ишлаб, яхши ҳосил олиш осон эмасди. Қўзғалган чўл шамоли таъсирсиз ўтиб кетмас, экин майдонларига ўз муҳрини қолдирар, ҳатто май, июн ойларида такроран пахта экишга тўғри келарди. Ана шундай қийинчиликларга қарамай, Раймқул ака ўн йил раҳбарлик қилган «Бешкент-1» совхози деярли ҳар йили республикада биринчи бўлиб пахта планини бажаргани, ҳатто сентябр ойидаёқ рапорт берганига кишининг ишонгиси келмайди. Бундай муваффақият ўз-ўзидан келмаган, албатта. Раймқул аканинг билими, ақл-заковати, одамлар билан ишлай билиш қобилияти ўша йилларда яққол кўзга ташланиб қолган эди. Ўн йил давомида тап-тақир чўл фаровон ҳосил манбаига айланди. Чўлқуварларнинг турмуш шароити яхшиланиб, янги уй-жой билан таъминланди. Бугунги кунда Носир Хусрав ноҳияси марказида жойлашган касалхона, маданият уйи, ҳукумат биноси, сув қувурлари тармоқлари ва бошқа кўпгина маъмурий бинолар, уй-жойлар айнан ўша йиллар «Бешкент-1» совхози ҳисобидан, Раймқул аканинг ғайрат-шижоати билан қурилган эди.

Раймқул ака хўжаликка раҳбарлик қилган ўша 80-йиллар мен «Совет Тожикистони»( ҳозирги «Халқ овози»)газетасининг қишлоқ хўжалиги бўлимини бошқарардим. Иш юзасидан ўша совхозда бўлиб, у киши билан суҳбат ҳам уюштирганман. Момақалдироқ гулдирагудек ёки шамол қўзғалгудек бўлса, чўл одамини ғулғула босадиган, ёзда эса, гўё офтоб бор ҳароратини тўплаб, чўлга сепаётган, бирор дарахт, соя-салқин жой кўзга ташланмайдиган, гармсел яшил ниҳолларни қавжиратиб қўядиган Бешкент чўли шароитида фаровон ҳосил етиштириш сирларини сўраганимда:

– Бундай муваффақиятга кичик деҳқон хўжаликлари ташкил этиш орқали эришдик, – дея жавоб берган эди у. – Қандай технология танлашни, қайси уруғни экишни ва қанча маҳаллий ўғит солишни ер соҳиби яхши билади. Бунинг учун юқоридан кўрсатма кутишга ҳожат йўқ. Ернинг қандай нафас олиши-ю, қандай агротехник ишлов зарурлиги, алмашлаб экиш самараси тўғрисида деҳқонга насиҳат қилиш керак эмас. Деҳқон–ер хўжайини. Мен ишга ана шу нуқтаи назардан ёндошдим. Деҳқонга ерга соҳиблик қилиш ҳуқуқи қайтариб берилгани олға силжишимиз учун кучли туртки бўлди. Хуллас, ишлаб чиқариш муносабатларининг такомиллаштирилгани, деҳқон хўжалиги усулига ўтилганлиги хўжалик иқтисодиёти юксалишининг таянч нуқтасига айланди, - дея жавоб берганди.

Ижара, деҳқон хўжалиги деган атама сўзлар эндигина пайдо бўлиб, ҳали кўпчилик унинг моҳиятини англаб етмаган, кўпгина раҳбарлар ижарани навбатдаги кампания, деб ҳадиксираб турган бир айтда Раймқул ака ерга муносабатнинг ана шу янги усулига йўл очиб, уни ҳаётга татбиқ эта олган раҳбарлардан бири сифатида танилди. Ҳаёт бу усулнинг афзаллигини тасдиқлади. Бугунги кунда ижара, деҳқон хўжалиги тараққиёт мезони бўлиб қолганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Раймқул аканинг узоқни кўра олганига яна бир бор тан берасиз.

1996 йил Бешкент водийсининг истиқболдаги тараққиёти ҳисобга олиниб, алоҳида ноҳия дея эълон қилинди.

– Эсимда, – деб ҳикоя қилади Раймқул ака, – Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси, Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон мени ўз ҳузурига чақириб ноҳия раислигини зиммамга юклар экан, мамлакат сарварининг бу ишончидан бир томондан хурсанд бўлсам, бошқа томондан бу ишнинг уддасидан чиқа олармиканман, деган андишада ўйланиб қолдим. Жаноби олийлари бу ҳолатимни сезди чоғи, қўрқма, уддалайсан, дегандай елкамга уриб қўйди. Кўнглим ҳаприқиб кетди. Давлат бошлиғи билан кўпгина масалалар, жумладан, янги ноҳияга доир муаммолар юзасидан очиқчасига суҳбатлашдик.

– Раис, ноҳияни обод қилинг!

Мамлакат Президентининг бу сўзлари ҳали-ҳамон қулоқларим остида жаранглаб туради. Зеро, бу ҳақли талаб эди. Мен ҳам ўз навбатида кўнглимдаги гапни айтдим: - Шаҳритуз ноҳиясидан ажралиб чиқдик, лекин бу ноҳиядан бирорта ҳам ишга яроқли техника ололганимиз йўқ. Фақат сизнинг ёрдамингиз билангина ноҳияни обод қила оламиз,-дедим. Президент ёрдамини аямаслигини айтди.

Мамлакат сарварининг қабулидан кўнгли тоғдай кўтарилиб чиққан Раймқул ака ўзгача бир ғайрат-шижоат билан ишни бошлаб юборди. Ноҳияни оёққа турғазиш осон бўлмади. Ҳар қадамда қийинчиликка дуч келар, янгидан-янги муаммолар пайдо бўларди.Қуроллилар мелиоратив насос станциясини гранатомёт билан портлатиб, ноқулай ҳолатни вужудга келтирган эди. Бу номақбул иш натижасида 1300 гектар майдонни зах босган, 700 гектар экин майдони сув тагида қолган эди.

– Ана шу қийинчиликлар сабаб бўлиб,–дейди Раймқул ака, – бир неча вақтдан сўнг, Хатлон вилоятининг собиқ раиси Амиршо Миралиевга мени Жаноби олий қабулига киришимга кўмаклашини сўраб мурожаат қилдим. Янги ноҳияга эътибор натижаси бўлса керак, Миллат Пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон мени иккинчи марта ҳузурига чақирди ва арзимни диққат билан тинглади. Ноҳиядаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришини айтди.

Ана шу учрашувдан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай Президент Ижроия аппаратидан қўнғироқ қилиб, қисқа фурсатда Бешкент ноҳиясининг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати тўғрисида Тожикистон Республикаси Ҳукумати Қарори лойиҳасини тайёрлаш учун топшириқ берилганлигини айтишди. Президент кўрсатмасидан сўнг, республикадан ноҳияга махсус ишчи гуруҳи ташриф буюриб, вазиятни ўрганишга киришди. Ўша вақтлар ноҳияда энг оддий шароит ҳам йўқлиги боис, ишчи гуруҳини «Чилучорчашма» меҳмонхонасида жойлаштиришга тўғри келган эди.

Ўша вақтлар «Комсомол», «Арабхона», «Қизил кетмон» қишлоқларига 1958-1970 йилларда тортилган электр линиялари ишдан чиқиб, шамол қўзғалиши билан бирор кўнгилсиз ҳодиса юз берар, ҳатто жон талафоти билан хотима топарди. Ташриф буюрган ишчи гуруҳи ишни ана шу электр линиясини ўрганишдан бошлади. Шундай қилиб ишчи гуруҳи ноҳиянинг энг муҳим масалаларини кўриб чиқиб, ўз хулосаларини Ҳукуматга тақдим этишди.

Ҳукумат йиғилишида Бешкентнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига доир қарор қабул қилинди, унинг бир банди юқорида тилга олинган электр линиясини тиклашга қаратилган эди.

Мамлакат Президенти республика Ҳукуматининг Бешкент ноҳияси истиқболи тўғрисидаги қарорини маъқуллади.

Раймқул акадан Президент сизни ноҳия раиси этиб тайинлагандан сўнг қандай ишларни амалга оширдингиз, деб сўраганимизда, у қисқагина қилиб ноҳия ҳудудида кичик пахта заводини қуриб, 300-400 кишини иш билан таъминлашга, бир неча мактаб қуришга, ер структурасини бир мунча яхшилашга, одамларга қулай ижтимоий шароит яратишга эришдик, дея жавоб берди.

Бешкент водийсида янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш биринчи навбати иштирокчиси Раймқул Ҳайдаров 2010 йилдан буён нафақада. Юқорида биз унинг иш фаолиятидан бир шингил ҳикоя қилдик. Кишининг ишчанлиги масаланинг бир томони, бу хислат унинг бошқа инсоний фазилатлари, маънавий дунёси билан узвий боғланган тақдирдагина мукаммалик, гўзаллик кашф этади, кўрк бағишлайди. Раймқул ака камтарлик, оддийлик, ҳалоллик, самимият, ширин муомала, дилсўзлик, оила, оталик масъулияти каби умрбоқий тушунчаларни ўзига юқтириб олган, ана шу йўл билан эл ардоғига мушарраф бўлган кишилар жумласидандир. Мен у кишини қирқ йилдан бери яхши биламан, кўп кузатганман. Оддий агрономликдан ноҳия раиси даражасига кўтарилган Раймқул ака ҳамон ўша-ўша. Баъзилардай мансабдор бўлгач, муомаласи, юриш-туришини ўзгартиргани, кибр-ҳавога, шон-шуҳратга берилгани йўқ. Одамлар нима учун у кишини бунчалик яхши кўриши, уни тез-тез йўқлаб, тилидан бол томиб, таъриф-тафсиф қилишининг сири худди мана шунда.

**Ҳошимжон Болтаев, нафақахўр:**

– Ҳузурига кирган одам ноумид чиқмаган, гўдак кирса ҳам туриб пешвоз олар, одамгарчиликни ҳамма нарсадан устун қўярдилар. Айни баҳор кезлари эди. Дала бошига келдилар. Қўлларига ердан бир сиқим тупроқ олиб уни эзғиладилар. Сўнг ер етилибди, экишни бошлаб юборсак ҳам бўлаверади, Ҳошимжон, дердилар. Ўзингиз биласиз, ўша вақтлар қачон экиш, нима экиш, қаерга экиш юқорининг буйруғи билан бажариларди. Аммо Раймқул деҳқонга мустақиллик бериш қанчалик мўъжиза яратишини ўз тажрибасида синаб кўрди. Хато қилмаган экан, куз баракали бўлди. Хўжалигимиз пахта планини республикада биринчи бўлиб тўлдирди.

**Йўлдошбой Тоғаймуродов, нафақахўр:**

– Бировни хафа қилганини кўрган эмасман.Камтарлик унга узукка кўз қўйгандай ярашарди. Эс-ҳуши далада, одамларда бўларди. Кечагидай ёдимда. Раис ҳузурига куч-қувватдан қолган бир мўйсафид кирди. У якка-ю ягона ўғлининг фалокатга учраб, касалхонада оғир ётганидан шикоят қилиб қолди. Раймқул ўша заҳотиёқ марказий касалхона бошлиғи билан боғланиб, вазиятни фаҳмлади. Сўнг чол билан бирга ўша ёққа жўнади. Хўжалик ҳисобидан ҳам чолга, ҳам касалхонага ёрдам берди.

**Анвар Холматов, нафақахўр:**

– Бешкент чўлининг шамоли гўдакка ҳам аён. Шамол йўлига бирдан-бир тўсиқ - дарахт ўтқазиш. У бу ишга шундай киришиб кетган эдики, офтоб борлиқни тандирдай куйдираётган пайтларда ҳам унинг кимсасиз чўлда бир ўзи кезиб юрганини неча марталаб кўрганман. Бу одамнинг раис бўла туриб бунчалик тер тўкиб ишлашини кўриб, тоқатига қойил қолганман.

**Холмурод Раҳмонов, собиқ Бешкент ноҳияси раиси, Тожикистон Ҳукумати қошидаги Мелиорация ва ирригация агентлиги директори:**

- Раймқул ака билан бирга ишлаш мен учун ёқимли эди.Унинг менга устозлик ҳақи бор. Сўзга устуворлик, қатъият, хушмуомалалик, ишга ҳалол муносабатда бўлиш ва бошқа кўпгина хислатларни у кишидан ўрганганман.Ерга қандай муносабатда бўлиш масаласида унга тенг келадиган мутахассисни кам учратганман, туғма ер билимдони эди, десам, хато қилмаган бўламан. Бир гал у кишининг маслаҳатидан чекиниб, панд еганман. Ўша-ўша ҳар доим Раймқул акадан маслаҳат сўраб турардим.

Раймқул ака шу кунларда умр йўлдоши Чиннихол ая билан турмуш қурганига 50 йил тўлганлигини нишонлаш тараддудида юрибди. Шу муносабат билан у кишидан қандай оила қургани, муҳаббат, вафо, садоқат тўғрисида сўзлаб беришни сўрадим.

–Чиннихол билан пахта теримида танишганмиз,– дейди кулимсираб,– кимўзарга пахта терардик. Гоҳ у ғолиб келар, гоҳ мен. Шу тарзда бир-биримизга ёқиб қолдик. Бошда бир-биримизга ҳурмат, эътибор зоҳир этдик. Дўстона муносабат, суҳбат, ўзаро ёрдам орадаги меҳр-муҳаббат ўчоғига олов пуркади. Билсам, муҳаббат бутун вужудимни қамраб олибди. Ўзим сезмаган ҳолда аста-секин кўнгил ипи Чиннихол билан чамбарчас боғланиб қолибди. У ҳам мендан кўнгил узолмайди. Муҳаббат деганлари шу бўлса ажаб эмас ...

Раймқул ака ҳовлисида меҳмон бўлиб ўтирибмиз. Фарзандлар, келин-куёвлар, невара-чеваралар дастурхон атрофида жамулжам. Чол-кампир тўрда ўтиришибди. Юзларидан нур ёғиляпти. Муҳаббатга йўғрилган умр нурлари. Эллик йил муқаддам чол-кампирнинг қўша қаримоғи учун дуога қўл очилган эди. Шунча йил бирга яшаб, бирга ҳаёт гаштини суриб, бирор марта ҳам сену менга борганлари йўқ. Бир-бирларини асраб, аяб, суяб, бир-бирларига қувват бўлиб яшамоқдалар. Уларни бир-бирига метин каби боғлаб турган нарса тайин – асрлар оша ардоқланиб келинган муҳаббат. Шу боис, чол-кампир муҳаббатни покиза, улуғ бир туйғу, деб билишади...

Раймқул ота ажиб бир туйғу оғушида кампирига термулади. Чиннихол ая ҳам ер остидан мулойимгина чолига боқади. Тўнғич келини Маҳбуба ўзгача бир латофат ила қайнотасига чой узатади. Унинг шу хонадонга келин бўлиб тушганига ҳам йигирма тўрт йил бўлибди. Ҳозир беш нафар фарзанднинг онаси. Раймқул аканинг тўнғич невараси Анвар Душанбе тиббиёт институтини қизил диплом билан тугатгач, ҳамкурси Нодирага уйланган, бир ўғли бор. Иккинчи невараси Азиз ҳам уйланган. Уларнинг тўйига чол-кампирнинг ўзи бош-қош бўлди. Маҳбуба шундай хонадонга келин бўлиб тушганидан хурсанд. Ахир, шу оилага қўшилиб, қадр-қиммат, обрў-эътибор топди. Яхши келин деган ном орттирди. Энг муҳими, иноқ яшашда хосият кўплигини билиб олди.

Хона ёруғ. Чол-кампир чеҳрасидан таралган ёғду уйни мунаввар этиб турибди. Раймқул ота орадаги жимликка чек қўяди: - Болаларим, мен сизлардан хурсандман. Умрларинг узоқ бўлсин.

Ота-она дуосига сазовор бўлиш, уларнинг олқишини олиш. Фарзанд учун бундан ортиқ қувонч, бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ота-онаси қариган чоғида уларни қаровсиз қолдириб, ўз ташвишлари атрофида ўралашиб қолган, кексалардан мурувватини аяйдиган ношуд фарзандлардан фарқли ўлароқ Раймқул отанинг фарзандлари, неваралари, чеваралари меҳр-оқибатли, одобли бўлиб вояга етаётган экан, шунинг ўзи чол-кампир учун олий саодатдир.

Суҳбат борган сари қизиб, давра кенгайиб борарди. Ўғиллари Қосимжон ва Рустамжон, келинлари Маҳбуба, Гулнисо, қизлари Меҳринисо, Гулнисо ва Рухсинисо, куёвлари Иззатулло, Элбек, Шавкат, невара куёвлар, невара келинлар...

Фарзанд тарбияси-ю ёш оилаларнинг иноқ яшашлари борасида Раймқул отанинг ўзига хос услуби бор. У болаларим ундай бўлинглар, бундай бўлинглар, дея эзмаланиб, гапни чувалаштириб ўтирмайди. Ўзининг юриш-туриши, рўзғор тутиши, чол-кампир муносабати фарзандлар учун яхши сабоқ бўлишига ишонгани боис, ҳар доим шу қоидага амал қилади. Эллик йилдан бери Чиннихол ая билан бирга яшаб келаётганининг ўзи ёшлар учун яхши ибратдир. У вафо ва садоқат тўғрисида, эр-хотиннинг ўзаро муносабати тўғрисида сўзлашдан кўра ибратнинг кучи афзаллигини билади. Оила қуришда қадр-қиммат, меҳр-муҳаббат ҳаводай зарур бўлиб турган ҳозирги вақтда Раймқул отага ўхшаш кексаларнинг фазилати айни муддаодир.

– Бугунга келиб ёш оилаларнинг кўплаб бузилиб кетаётганининг сабабларидан бири,– дейди Раймқул ота,– айрим қайнона ва қайноталарнинг ўз бурчларини яхши уддалай олмасликларида, деб биламан. Туғилган кулбасини тарк этиб, бегона оила остонасига не-не орзу-умидлар билан қадам қўйган келин ўзи тушган хонадондан ота-она меҳрини излайди. Демак, қайнона ва қайнота келинни ўз фарзанди каби ардоқламоғи, унга меҳр кўрсатмоғи лозим. Яширишнинг нима ҳожати бор. Кўпларимизда ана шу фазилат етишмаяпти. Келиннинг ғурурини поймол этиш, уларга чўри сифатида қараш ҳоллари рўй беряпти. Дашномлардан безиб, алоҳида яшашни қўмсаб қолган келин эса, ёмонотлиққа чиқмоқда. Менинг назаримда, ёш оилаларнинг иноқ яшаб кетишлари кўп жиҳатдан биз катталарга боғлиқ.

Инсон азалдан яхши сўз шайдоси. Сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан чиқади. Агар келинлардан яхши сўзингни аямасанг, ишончим комилки, тотувлик оилангизни тарк этмайди. Хонадонингиздан қут-барака аримайди. Данак мағзидай ширин ва тотли неваралар, чеваралар қуршовида ҳаловатли ҳаёт завқини сураверасиз.

– Қариси бор уйнинг файзи бор, деган гапда ҳикмат бор, – дейди отанинг тўнғич ўғли, Қабодиён ноҳияси нотариуси Қосимжон. – Дадамиз хонадонда ҳам, ишда ҳам, кўча-куйда ҳам одамийлик мезони. У кишига қараб қадам ташлаймиз, рўзғор юритамиз, меҳнат қиламиз.

Қосимжон гапнинг мағзини айтди-қўйди. Унинг бу сўзларига қўшимча қилиш қийин. Зеро, одамийлик булоғидан сув ичган хонадон узра бахт офтоби ҳамиша ўз нурини сочиб тураверади. Раймқул ота Ҳайдаров ёққан оила чироғи бугунги кунда фарзандлари қўлида баланд порлаб турибди. Бу чироқнинг сўнмас нури тобора равшан тортиб, теварак-атрофни ўз шуъласи билан мунаввар этаверади. Ана шундай бахтли қарилик барчамизга ҳам насиб этсин.

*Сулаймон ЭРМАТОВ, Душанбе.*

*Суратда: Раймқул ака оиласи билан.*

# СМС

**СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ**

Тел: 918-61-99-71

## ===== Мамлакатимизда =====

*Дзюдо*

### ДЗЮДО ФЕДЕРАЦИЯСИГА ИФТИХОРНОМА

Жорий йилнинг 30 март куни Душанбе шаҳрида Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар, спорт ва сайёҳлик комитети раҳбарияти ҳузурида Япониянинг Тожикистондаги элчихонаси ходимлари, спортчилар ва ОАВ вакиллари иштирокида Тожикистон дзюдо федерациясига Япония Ташқи ишлар вазирлигининг ифтихорномасини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда таъкидланишича, Тожикистон дзюдо федерациясига тақдим этилган мазкур ифтихорнома ушбу спорт турини ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ривожлантириш ва оммавийлаштириш йўлидаги хизматлари учун берилган.

Эслатиб ўтамиз, Тожикистон дзюдо федерацияси 1972 йили ташкил этилган. У Халқаро дзюдо федерациясининг фаол аъзоси. Ҳозирда юртимизда 5 минг нафар ёшлар ва ўсмирлар мазкур спорт тури билан шуғулланади.

*Футбол*

### ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИ ЖАМОАСИ – ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

Қозоғистон давлат арбоби Нурлан Каппаров хотирасига бағишланган 2003 йилда туғилган ўсмирлар ўртасидаги халқаро мусобақада Тожикистон Футбол федерациясининг Футбол академияси жамоаси иштирок этди.

Мусобақалар Олмаота шаҳрида бўлиб ўтди. Унда олтита: «Кайрат» (Олмаота), «Зенит» (Санкт-Петербург), «Пахтакор» (Тошкент), «Дордой» (Бишкек), Тожикистон Футбол федерациясининг Футбол академияси (Душанбе) ва «Велвет» (Олмаота) жамоалари қатнашди.

Тожикистон Футбол федерациясининг Футбол академияси жамоаси бир босқичда бешта учрашув ўтказди. Шулардан «Велвет» жамоаси устидан 1:0 натижасида ғалаба қозонди. «Дордой» жамоаси билан бўлган учрашувда дуранг - 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Футболчиларимиз қолган учрашувларда: «Зенит» - 0:8, «Пахтакор» - 1:2 ва «Кайрат» -0:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

*Футзал*

### РАҚИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Жорий, 2017 йилнинг 30 март куни Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида 20 ёшгача бўлган футзалчилар ўртасида тарихда биринчи марта ўтказиладиган Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Маросим Бангкок шаҳридаги Grand Fourwing Hotel меҳмонхонасида ўтказилди. Қуръа натижасига кўра, Тожикистон U-20 терма жамоаси "В" гуруҳидан жой олди. Мазкур гуруҳда тожикистонлик футзалчилар Ветнам, Япония, Хитойнинг Тайпей ва Индонезия давлатидаги тенгдошлари билан куч синашади.

Мусобақа регламентига кўра, ҳар бир гуруҳда 1-2 ўринларни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўл олади. Чорак финалда ғалаба қозонганлар ярим финалга, ярим финалда ютганлар эса, финалга чиқади. Шунингдек, учинчи ўрин учун ҳам учрашув ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз, футзал бўйича U-20 Осиё чемпионати 2017 йилнинг 16-26 май кунлари Бангкок шаҳридаги Bangkok Arena ва Huamark Indoor Stadium спорт мажмуаларида ўтказилади.

## ====== Жаҳонда ======

*Футбол*

### МУРАББИЙ ВАЗИФАСИДА ДАВОМ ЭТАДИ

Корея футбол ассоциацияси (КФА) миллий терма жамоаси бош мураббийси Ули Штилике истеъфоси бўйича йиғилиш ўтказди.

Жанубий Корея терма жамоаси Жаҳон чемпионати-2018 саралаш ўйинининг сўнгги икки учрашувида икки хил натижа қайд этди. Хитойга қарши кечган баҳсда жанубий кореяликлар мағлубиятга учради.

Сурия билан ўйинда эса, Жанубий Корея терма жамоаси кичик ҳисобда (1:0) ғалабага эришди. КФА йиғилиши натижаларига кўра, Ули Штилике ўз вазифасида қоладиган бўлди.

*Теннис*

### ФЕДЕРЕРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

АҚШнинг Майами шаҳрида "Мастерс" туркумига кирувчи "Miami Open - 2017" халқаро турнир финалида икки азалий рақиб – швейцариялик Рожер Федерер ва испаниялик Рафаэл Надал ўзаро тўқнаш келди.



Ҳал қилувчи беллашув бир соату 35 дақиқа давом этди ва унда 35 ёшли Федерер ўзидан беш ёш кичик бўлган Надални 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Майамидаги бу учрашув ҳар икки теннисчи учун ўзаро 23-финал сифатида қайд этилди. Жорий мавсумда эса, Надал Австралия очиқ чемпионатининг сўнгги баҳсида Федерерга имкониятни бой берганди.

Майамида Надал реванш ололмади ва Федерер фаолиятидаги 91-совринини қўлга киритди.

*Шаҳмат*

### УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ

Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳрида 31 март куни шаҳмат бўйича Осиё чемпионатига старт берилди. Мазкур мусобақа 31 мартдан 10 апрелга қадар давом этади. Мусобақалар «Ўзбекистон» ва «Ла Гранд Плаза» меҳмонхоналарида бўлиб ўтмоқда.

Чемпионатнинг рапид йўналишидаги учрашувлар ўз якунига етиб, Ўзбекистон терма жамоаси шаҳматчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Бешта медалга эгалик қилган Ҳиндистон терма жамоаси иккинчи, Қозоғистон терма жамоаси 4та медал билан 3-ўринни банд этди.

Қолган йўналишлар бўйича учрашувлар давом этмоқда.

Ушбу турнирда ғолибликни қўлга киритган шаҳматчилар жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

*«Халқ овози»нинг спорт шарҳловчиси.*

*Санкт-Петербург*

## Метродаги оммавий қотиллик

3 апрел куни Санкт-Петербург метросининг "Технология институти" бекатига "Сенная площад" бекатидан кириб келган поездда портлаш содир бўлди. Яна бир бомба "Плошад Восстания" бекатига ўрнатилганди. Портлаш оқибатида ҳалок бўлганлар сони 14 нафарни ташкил қилди, 49 киши жароҳатланди.

Россия Тергов қўмитасининг расман маълум қилишича, Санкт-Петербург метросидаги террорчилик амалиёти ижрочиси асли келиб чиқиши Қирғизистондан, Россия фуқароси бўлган Акбаржон



Жалиловдир.

- "Терговда Санкт-Петербург метросидаги вагонда ўзини портлатган террорчи шахсини аниқлади. У 1995 йил 1 апрелда туғилган Акбаржон Жалилов бўлиб чиқди", - дейилган комитет тарқатган пресс-релизда.

Комитет маълумотида "Плошад Восстания" бекатида аниқланган ва зарарсизлантирилган бомба ҳам Жалилов томонидан қолдириб кетилгани тасдиқланган.

- "Эксперт-криминалистлар "Плошад Восстания" бекатида топилган ва ичида портловчи қурилма бўлган сумкада Жалиловнинг бармоқ излари борлигини аниқлади", - дейилган маълумотномада.

## *Никки Хейли: - Хитой – буюк давлат*

- «Хитой Шимолий Кореяга босим ўтказиши ва бу масала бўйича ўзининг хавотирини кўрсатиши лозим», - деб айтди АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Никки Хейли.



- Хитой хавотирга тушганини кўрсатиши ва Шимолий Кореяга босим ўтказиши керак, - деб айтди Хейли АВС телекомпанияси эфирида.

Унинг фикрича: - «Хитой Шимолий Кореяни тўхтата оладиган ягона давлатдир».

- Яқин кунларда АҚШ Президенти Доналд Трамп ва Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзинпин ўртасида бўлиб ўтадиган музокараларнинг катта қисми ядро қуролининг тарқатилмаслиги ва Шимолий Кореяга оид масалаларга бағишланади, - деб қўшимча қилди Хейли.

## Суриядаги қўшинлар чиқарилмайди

Суриядаги маҳаллий кучлар назоратни ўз ихтиёрларига олмагунча, турк қўшинлари ушбу араб давлатида қолади. Туркия ТИВ раҳбари Мавлут Чавушўғли шундай баёнот берди.



Туркия армияси 2016 йил 24 август ойидан ИШИД террорчиларига қарши «Фрот қалқони» ҳарбий амалиётини ўтказиб келади. У Сурия мухолифати билан ҳамкорликда Сурия шимолидаги Жараблус чегара шаҳрини эгаллади. Кейинроқ, Ал-Боб турклар назоратига ўтди. 29 март куни Туркия Бош вазири Бинали Йилдирим амалиётнинг муваффақиятли якунлангани ҳақида баёнот бериб, зарур бўлиб қолганда, янги амалиёт ўтказилиши ҳақида ҳам маълум қилинишини айтганди.

Чавушўғли, шунингдек, АҚШнинг суриялик курдлар ўзини-ўзи мудофаа қилиш кучлари билан ҳамкорлик қилаётгани юзасидан Анқара хавотирларини билдирган эди. Туркия раҳбарияти курд кучларини «Курдистон ишчи партияси» билан алоқадор террорчи ташкилот, деб билади.

## Аввалига ИШИД, кейин Асад…

АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Никки Хейли АҚШ маъмурияти учун айни вақтда биринчи галдаги мақсад ИШИДга қарши курашни давом эттириш эканлигини маълум қилди. Бу вақтда Башар Асадни Сурия президентлигидан кетказиш масаласи иккинчи планга ўтади. Унинг бу ҳақдаги гаплари «Fox News» телеканали томонидан маълум қилинган.



- Асад – бу муаммо ва Америка маъмурияти ҳам шундай фикрда. Аммо айни вақтда янада йирикроқ муаммо ИШИД ҳисобланади, - деган у.

Шунингдек, у АҚШ ҳеч қачон Сурия раҳбарига «марҳамат кўрсатмоқчи эмаслиги»ни қўшимча қилиб, Асадни Сурия халқи суд қилиши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Бундан олдинроқ шунга ўхшаш баёнот билан АҚШ Давлат котиби Рекс Тиллерсон ва Оқ уй расмий вакили Шон Спайсер ҳам чиқишганди. Тиллерсоннинг сўзларига кўра, Асаднинг келажагини сурияликлар ҳал қилиши керак.

Спайсер эса, Башар Асаднинг кетиши учун зарур ишларни амалга оширмагани учун Обаманинг маъмуриятини айблаган.

- Қаршимизда ИШИДни мағлуб этиш вазифаси турибди, - деган Спайсер ва Сурия ҳамда Ироқдаги радикал кучлар АҚШ учун биринчи галдаги нишонлар эканини маълум қилган.

***«Centralasian.com» сайтидан олинди.***

## «Brexit» бўйича музокаралар ўтказиш таклифи

Европа Иттифоқи Буюк Британия бу ташкилотни 2019 йилда тарк этганидан сўнггина у билан янги келишув тузишга тайёр.



Европа Иттифоқи раҳбари Доналд Тускнинг Лондон билан ўтказиладиган икки йиллик музокаралар бўйича бугун эълон қилинган таклифлари, агар музокаралар муваффақиятсизликка учраган тақдирда оралиқ келишув тузишни ҳам кўзда тутади.

Ҳужжат лойиҳаси ЕИнинг барча 27 аъзоларига юборилган ва 29 апрелда бўладиган саммитда муҳокама қилинади.

29 март куни Британия Бош вазири Тереза Мэй Брюсселни унинг мамлакати бу иттифоқдан чиқиши ҳақида расман хабардор қилган.

Германия ва Франция Британиянинг чиқиш шартлари ҳақида келишиб олиш ва шундан кейингина, у билан алоқалар тўғрисида янги битим тузишга чақирган. Лондон эса, бу иккала масала юзасидан ҳам бир пайтнинг ўзида музокаралар олиб боришга чақиряпти.

***«Centralasian.com» сайтидан олинди.***

## Ленин – Эквадорнинг янги Президенти

Эквадорда ўтган президентлик сайловларининг 2-босқичида етакчи «Мамлакат алянси» партияси номзоди, мамлакатнинг собиқ вице-президенти Ленин Морено ғолиб бўлди. Бундан мамлакатнинг миллий сайлов кенгаши томондан маълум қилинган дастлабки расмий натижалар дарак бермоқда.



Маълумотларга кўра, Моренога 51,05 фоиз сайловчилар, унинг рақиби, «CREO» ҳаракати вакили, собиқ банкчи Гилермо Лассога 48,95 фоиз сайловчилар овоз берганлар.

Бироқ мухолифат тарафдорлари расмий натижаларни тан олишдан бош тортмоқдалар. Лассони қўллаб-қувватловчи юзлаб одамлар мамлакат пойтахти Китодаги Миллий сайлов кенгаши биноси ёнида норозилик намойиши уюштирганлар. Бинонинг бошқа томонида эса, Моренога овоз берганлар тўпланганлар.

## Сербияда эса…

«Ipsos Strategic» таҳлилий агентлиги томондан чоп этилган экзит-полл натижаларига кўра, Сербия Бош вазири Александр Вучич Сербия президенти сайловларида 58,1 фоиз овоз билан ғолиб бўлди.



Сербиянинг собиқ омбудсмени Саша Янкович 13,8 фоиз овоз билан 2-ўринни, сиёсатчи-пародиячи талаба Лука Максимович 9,3 фоиз овоз билан 3-ўринни эгаллади.

2 апрелда ўтган сайловларда ҳаммаси бўлиб 11 номзод иштирок этган. 1-босқичдаёқ ғолиб бўлиш учун сайловчиларнинг ярмидан кўпроғининг овозини тўплаш керак. Акс ҳолда икки ҳафтадан кейин энг кўп овоз тўплаган икки номзод орасида 2-босқич бўлиб ўтади.

Сербияда президент 5 йиллик муддатга сайланади. Яна бир муддатга сайланишга ҳуқуқи бўлган амалдаги Президент Томислав Николич «Сербия тараққиёт партияси» томондан қўллаб-қувватланмагани сабабли, сайловларда иштирок эта олмади.




*Миср*

## ИШИД етакчиларидан бири йўқ қилинди

- «Миср Ҳукумати ИШИД террорчи гуруҳининг Синай ярим оролида ҳаракат қилувчи бўлими асосчиларидан бири йўқ қилинганини тасдиқлади», - деб хабар берди ТАСС ахборот агентлиги.

Бу ҳақда Миср қуролли кучлари расмий вакили, полковник Тамер ар-Рифаий маълум қилди.

- Ҳарбий-ҳаво кучлари 18 март куни жангариларнинг Синайдаги позицияларига ҳаводан зарба бериши натижасида 18 нафар жангари, жумладан, ИШИДнинг Мисрдаги бўлими етакчиларидан бири Абу Анас ал-Ансорий номи билан маълум бўлган Салом Силми ал-Ҳамадин йўқ қилинди, - деб маълум қилди ар-Рифаий.

*Афғонистон*

## Ҳукуматга таслим бўлган жангарилар

- «Афғонистон шимолидаги Балх вилоятида «Толибон» ҳаракатининг 200 нафарга яқин жангариси қурол-аслаҳаларини ташлаб, Ҳукуматга таслим бўлди», - деб хабар берди «Синхуа» ахборот агентлиги.



- «Чимтал уездида қуролланган одамлар губернаторнинг чақириғига кўра тинчлик ва тартибга солиш жараёнига қўшилдилар», - дея агентликка хабар берди шахси номаълум бўлиб қолишни истаган амалдор.

Таслим бўлганлар орасида жангарилар етакчилари Хон Муҳаммад ва Дава Хон бўлган.

Афғонистондаги вазият охирги ойларда сезиларли даражада ёмонлашган. Аввалроқ мамлакатнинг қишлоқ жойларидаги катта ҳудудларни эгаллаган «Толибон» радикал ҳаракати айни пайтда йирик шаҳарларга ҳужум уюштирмоқда. Шунингдек, мамлакатда ИШИД террорчи гуруҳининг таъсири ўтган йилга нисбатан ўн баравар ошган.




## Океанда йўқолган кема

Жанубий Кореяга қарашли "Stella Daisy" юк кемаси бортида экипажнинг 22 аъзоси билан фалокат сигнали беришга улгурган ҳолда, Атлантика океанида йўқолиб қолди.

Кемадаги 2 денгизчи солда сузиб кетаётганда, Атлантика жанубида бу ҳудуддан ўтувчи тижорат кемалари томонидан аниқланган. Таъкидланишича, йўқолган кемада 24 киши - 8 нафар жанубий кореялик ва 16 нафар филиппинлик денгизчилар бўлган. Экипажнинг 2 аъзоси солда бўлган. Айни вақтда қолган 22 денгизчининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.



Бортида 266 тонна руда билан кетаётган кема охирги марта 31 март куни Жанубий Американинг шарқий соҳиллари яқинида, Уругвай атрофларида ўзининг "Polaris Shipping" компанияси билан алоқага чиққан. Экипаж аъзолари кема чўкаётганини айтишган ва шундан кейин у билан алоқа йўқолган.

- Кема чўкиб кетган бўлиши мумкинлигини истисно қилмаяпмиз. Ҳозирча экипаж аъзолари хавфсизликда эканликларининг тасдиғи йўқ, - деб маълум қилди Жанубий Корея мудофаа вазирлигидаги манба.

Жанубий Корея Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик йўллар билан фалокат ҳақида маълум қилган. Кемани қидиришда бу ҳудудда бўлган тижорат кемалари ҳам иштирок этмоқда. Жанубий Корея Ҳукумати кемани излашда ёрдам беришни сўраб Уругвай ва Бразилия Ҳукуматларига мурожаат қилган.

## Дубай валиаҳдининг эзгу амали

Дубай амирининг ўғли ва валиаҳд Ҳамдон ибн Муҳаммад Ал-Мактум саҳрода қумлар орасига ботиб қолган юк машинаси ҳайдовчисига ёрдам кўрсатди. Валиаҳднинг "Instagram" тармоғи орқали тақдим этилган видеоси тўрт кун ичида 54 минг мартадан ортиқ кўрилди.

Ҳамдон ўзининг "Mercedes-Benz"ига трос улаб, машинани олдинга торта бошлади. Трос бир неча марта узилиб кетди, лекин охир-оқибат юк машинасини "қум тузоғи"дан олиб чиқишга муваффақ бўлди.

Ҳамдон ибн Муҳаммад Ал-Мактум - Дубай амири Муҳаммад ибн Рашид Ал-Мактумнинг ўғли. У 2008 йилдан буён Дубай валиаҳди ҳисобланади. Ҳамдон хайрия ишларига кўп вақт ва маблағ сарфлайди. Шаҳзода дунёнинг энг ҳавас қилгулик бўйдоқларидан бири сифатида эътироф этилади.

## Оқ уйдаги қариндош-уруғчилик кўринишлари

АҚШ Президентининг қизи Иванка Трамп Оқ уй раҳбарининг маслаҳатчиси расмий мақомига эга бўлди. Бу АҚШ тарихида давлат раҳбарининг яқин қариндоши унинг маслаҳатчиси этиб тайинланганига мисол бўлувчи илк ҳодиса. Бу йил Ҳукуматдагиларга қариндош-уруғларини лавозимларга жойлаштиришни тақиқловчи махсус қонун қабул қилинганига 40 йил бўлади, бироқ қонун АҚШ Президентига таъсир қилмайди.



Отасининг сайловолди кампанияси даврида унга ёрдам берган Иванка Трамп энди расман Президент маслаҳатчиси ҳисобланади. Оқ уйнинг ўзи бу ҳақда расман хабар тарқатди. Энди Америка Президентининг қизи унинг мамлакат раҳбарияти билан йиғилишларида ҳамроҳ бўлади, бунинг учун унга махсус рухсатнома ҳам берилади. Иванка Трампнинг айтишича, у "барча федерал хизматчилар бўйсунувчи қоидаларга амал қилиш учун" Оқ уйнинг ходимаси бўлган.

Трамп хонимнинг айтишича, у бу ишида текинга ишлаб беради. Ўзининг янги роли мисли кўрилмаган воқеа бўлишини ҳам у алоҳида қайд этиб ўтди.

Президентнинг фарзандлари Оқ уйда расмий иш бошлагани АҚШнинг энг янги тарихида шу пайтгача учрамаган эди. Бироқ, экспертлар Трамп президентлигининг ўзи ҳам одатдагидан ўзгача, дея баҳолашмоқда. Чунки у президентлик маъмуриятининг кўплаб ёзилмаган қонунларини мудом инкор этиб келмоқда.

"The New York Times" газетасининг ёзишича, Иванка Трампнинг бу лавозимга тайинланиши "Трамп учун куёви ва қизининг хайрихоҳлиги қай даражада муҳим эканлигини формал тан олиш" эканлигини билдиради.

Шундай қилиб, Президент Трампга энди унинг ўзидан фарқли равишда, миграция ва озчиликлар ҳуқуқлари масаласида либерал қарашларга эга бўлган эр-хотин Трамп-Кушнер жуфтлиги маслаҳат бериб туради.

Боз устига, уларнинг иккиси ҳам Демократик партия сайловчилари ҳисобланишади. Бу эса, Доналд Трампнинг жамоасида Стив Бэннон каби ултраконсерватив маслаҳатчиларига қарши мувозанатни тиклайди.

## Энг қисқа рейсдан воз кечилди

Австриянинг "Peoples Viennaline" авиакомпанияси дунёдаги энг қисқа рейсдан воз кечди. Бунга авиакомпания хизматларига талаб пастлиги сабаб бўлган. Бу ҳақда "Berliner Kurier" таблоиди хабар берди.

Санкт-Галлен-Алтенрайн (Швейцария) - Фридрихсхафен (Германия) йўналиши бўйича охирги рейс 14 апрелга белгиланган.

- Муайян ривожланиш кузатилганди, бироқ биз режалаштирилган йўловчилар миқдорига эриша олмадик, - деб айтди "Peoples Viennaline" эгаси Маркус Копф.



Ушбу рейс 2016 йил 2 ноябрда йўлга қўйилганди. Йўналиш узунлиги 21 километрга яқин, парвоз вақти 8 дақиқани ташкил қилган. Бориш ва келиш чипта нархи 40 евро бўлган.

"Peoples Viennaline" авиакомпанияси 2010 йилда ташкил топган. У Санкт-Галлен-Алтенрайн аэропортида жойлашган ва асосан, Хорватия, Италия ва Испанияга чартер рейслар амалга оширади. Компания бош қароргоҳи Венада жойлашган. Авиакомпания ҳисобида "Embraer 170" ва "Embraer 145" русумли бор-йўғи иккита йўловчи самолёти бор.

## Нигерияда менингит эпидемияси

Нигерия юқумли касалликлар назорати марказининг маълум қилишича, мамлакатда менингит касаллиги тарқалиши туфайли, 282 киши ҳаётдан кўз юмган.

Агентлик мамлакатнинг 15 штатида орқа мия менингити билан боғлиқ юқумли касалликлар қайд этилганини таъкидламоқда. Касалликнинг "С намунаси", деб номланувчи янги кўриниши тарқалаётгани сабаб, эмдорилар етарли эмаслиги кузатилмоқда.



- Бу касалликка қарши вакцина бор, - дейди Марказ бош ижрочиси "Chikwe Ihekweazu". - Аммо, айнан ушбу намуна учун эмдориларни тижорий йўл билан харид қилиш имконсизлиги сабабли, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига ёрдам сўраб мурожаат қилдик.

Касаллик тарқалиши аниқланган феврал ойидан буён 2 мингга яқин гумондаги киши кўрикдан ўтказилган, 109 киши даволанган.

## Трампнинг қизи ва куёвининг бойликлари

АҚШ Президентининг қизи Иванка Трамп ва унинг турмуш ўртоғи Жаред Кушнер бойлиги 740 миллион доллар атрофида. Бундан АҚШ Президенти маъмурияти ходимларининг молиявий ҳолати ҳақидаги маълумотлар дарак бермоқда.



"The New York Times"нинг хабар беришича, Трампнинг қизи Президент ёрдамчиси лавозимини эгаллаганидан сўнг ҳам, "Trump International Hotel"га эгалик ҳуқуқидаги улушини сақлаб қолган.

ОАВ маълумотига кўра, Доналд Трамп маъмурияти аъзоларининг бойлиги 12 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этади. Бу эса, АҚШ тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

## Президент автомобилининг баҳоси

АҚШ Президенти Доналд Трампга тегишли бўлган "Ferrari F430" автомобили Флоридадаги "Auctions America" кимошди савдосида 270 минг долларга сотилди. Бу ҳақда "France Press" кимошди савдоси ташкилотчиларига асосланиб, хабар берди.



Трамп "Ferrari F430"ни 2007 йилда харид қилган. 2,4 минг мил (тахминан 3,8 минг километр) йўл босиб ўтган машина сотилди. Автонинг янги соҳиби номи ошкор қилинмади.

- Эгаси машҳур кишилар бўлмаган худди шундай моделлар одатда қанча йўл босиб ўтгани, ҳолати ва жиҳозларига қараб, 125-175 минг долларга баҳоланади, - деди "Auctions America" вакили Эми Кристи.

## Колумбиядаги табиий офатлар оқибати

Энг сўнгги маълумотларга кўра, Колумбиянинг жануби-ғарбидаги Мокоа шаҳрида юз берган селлар оқибатида ҳалок бўлганлар сони 254 нафарга етди. Селга кучли ёғингарчилик оқибатида дарёларда сув сатҳининг кўтарилиши сабаб бўлган.



- Бу, ҳақиқатан ҳам, аянчли рақамлар, - деб айтган мамлакат Президенти Хуан Мануэл Сантос.

Маълум қилинишича, кўплаб уйлар вайрон бўлган, 400 нафардан кўпроқ одам жароҳат олган, 200 нафарга яқин одам бедарак йўқолган.

## Осмонўпар бинодаги ёнғин

Дубай шаҳрида, осмонўпар Бурж-Халифа минораси яқинида қурилаётган баланд иншоотлардан бирига ўт кетди. Бу ҳақда "Gulf News" хабар берди.

Аниқлик киритилишича, 60 қаватли "Address Residence Fountain Views" мажмуасида ёнғин чиққан. Ушбу бино "Dubai Mall" ва "Address Hotel" меҳмонхоналари ўртасида жойлашган. Бу 2016 йилнинг январидан буён рўй берган энг йирик ёнғин бўлди.

## Америкада Евгений Евтушенко вафот этди

1 апрелда рус шоири Евгений Евтушенко АҚШда 85 ёшида вафот этди. Бу ҳақда унинг рафиқаси Мария Новикова маълум қилди.



- "У бир неча дақиқа аввал яқинлари қуршовида вафот этди. Тинч, уйқуда эканлигида юраги тўхтади", - деб айтди шоирнинг умр йўлдоши.

Шоир бир кун аввал оғир аҳволда шифохонага етказилганди.

Евтушенко 1932 йилда Россиянинг Иркутск вилоятида дунёга келган. У 19та, жумладан, "Бабий Яр", "Коррида", "Под кожей статуи Свободы" каби поэмалар муаллифи. У режиссёр, сценарийнавис, публицист ва актёр сифатида ҳам танилган. Шоир 1991 йилда Оклахома штати университети билан муаллимлик қилиш бўйича шартнома тузгандан кейин, АҚШда оиласи билан яшаб келган.

***ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.***

## Зиё аҳлидан сўз очдик

**Инсон фақат нон билан тирикмас. Худо кўрсатмасин, мабодо оч-наҳор қолиб, ночорликдан кўчада тиланчилик қилишга тўғри келганда ҳам, мен асло нон тиламасдим. Ярим бўлак нон ўрнига битта китоб сўраган бўлардим. Кутубхона минбаридан туриб, фақат иқтисодий эҳтиёжлар ҳақида сўзлаб, маданий эҳтиёжларни тилга ҳам олмайдиганларга муносиб жавобим шу: "Халқлар овози борича ҳайқириб сўраётгани аслида китобдир" .**

------------------------------- *Федерико Гарсиа Лорка.*

# БИЗНИНГ КИТОБСЕВАР МАВЛОНО...

Уни 1994 йили баҳор кунларида танидим. Серҳаракат, чаққон, ҳожатбарор ва энг муҳими, китобсевар экан. Қачон қараманг, қўлида ё китоб ё газета, шошиб қаёққадир кетаётган бўлади. Устозимиз битта бўлгани учун дўстлашиб кетдик. Унинг чапани, жайдари феъли туфайли ўз акам каби менга яқин бўлиб қолди.

Аспирант бўлдим. Илм деган сўқмоқ йўлларда унинг менга қилган яхшилигининг баҳоси йўқ. Хўжанд шаҳрининг "Баҳор" мавзеида ижарада тураман. У ҳам шу мавзеда яшайди. Ўзим ишлаётган мавзуга доир адабиётлар рўйхатини тузиб туриб, керакли китобларни қидира бошлайман. Кутубхоначиларнинг қўрс муомаласидан безиб, кутубхоналарга боргим келмайди. Қолаверса, кутубхоналардан вақтимни қизғанаман. Уйда ўтириб ишлаш ёқади менга. Бир куни унга "Менга фалон китоб керак эди", - дедим йўл-йўлакай. Эртаси нима бўлиб уйига бориб қолдим. Унинг китоблар тўла столи устида мен истаган, қидирган китоб турибди. Ундан илтимос қилиб, бир тунга ҳалиги китобни ола кетдим. Туни билан китобни ўқиб, кераkли жойларни конспектлаштириб, қайтардим. Кейин пухта бўлдим. Унга фалон китобни топа олмаяпман, жуда керак эди, деб қўяман. Орадан икки-уч кун ўтказиб уйига бораман. Ўша мен қидирган китоб стол устида турган бўлади. Минг хил илтимосу тавалло билан ола кетаман. Мен шундай қилиб номзодлик иши учун унинг беминнат хизматидан ўринли фойдаланганман.

Уйга - қишлоққа борсам, дадамга "Ака ундай деди, ака бундай деди", - деб илмий ишим бўйича ўзига хос ҳисоботлар берардим. Дадам у ҳақда гапирмай қолсам, "Аканг юрибдими?", - деб сўраб қўярдилар. Ҳатто, номзодлик ишим ҳимоясига - Тошкентга борган ягона хўжандлик ҳам шу акам бўлади.

Иккимизнинг китобга бўлган "муҳаббатимиз" роса орамизга совуқликлар солади. У уйидагиларни огоҳлантириб қўйган: "Мунаввар келса, китоби бор уйга кирмасин"(Ўғирлаши мумкин дея олмайди). Мен китобларимни доим ундан иҳота қиламан (Билиб бўладими? Эҳтиёт шарт!).

1998 йилнинг кеч кузи эдиёв. Қаердандир қайтишда уникига - "Баҳор" мавзеига борсам, эшик очиқ, ҳеч ким йўқ. Чақирдим. Аммо бир хоналик уйнинг эшиги катта очиқ. Менинг келишим бу уйда ҳеч кимнинг хобу хаёлига келмагани аниқ. Мен эса, ҳалол китобсеварга хос сезгирлик билан уйилиб ётган китоблардан атиги тўрттасини олиб кетдим, холос. Шулардан бирининг номини ҳозир ҳам эслайман. "Иброҳим Ҳаққул. Шеърият ва тасаввуф". Аммо бир куни менинг ижара уйимга иш билан келиб қолганида шу китобни таниб, қайтиб олгани ҳам эсимда қолган.

Аёли Ўлмасхон унинг китобпарастлигини шундай таърифлайди: "Шу кишига тегибманки, китоб тахлайман. Педагогик билим юртида акангиз билан бирга ўқиганмиз. Бу 1976 йиллар эди. Қишлоққа бир ойда бир борардик. Транспорт масаласи оғир эди у пайтлар. У отаси жўнатган пулни иқтисод қилиб, китоб сотиб оларди. Кейин китобларни сумкаларга жойлаб, китобга муҳаббати бўлмаган ҳамқишлоқлардан қишлоққа - уйларига бериб юборарди. Бир гал унинг тўрт сумка китобини Гулсара Усмонова (марҳума) иккимиз қишлоққа олиб кетдик. Мужундан Кўчкинага қараб оғир сумкаларни кўтариб, инқиллаб-синқиллаб пиёда кетаяпмиз. Гулсара ўртоғим китобларни аҳамияти ҳақида гапириб, бизнинг савоб иш қилаётганимизга мени ишонтиришга уринади. Жарҳовуз деган жойга етганда бу китоблар билан қишлоққа етиб олишимизга кўзим етмади. Китобларни Жарҳовузнинг яқинига белги қўйиб яширдик. Қишлоққа бориб амаким Раҳмон акага Жарҳовузнинг фалон жойида, фалон белги остида ўғлингизнинг тўрт сумка китоби бор. Биз чарчаб ташлаб келдик. Олиб келинг, деб омонатни эгасига топширдик. Тақдир экан, акангиз билан турмуш қурдик. Сумка-сумка китобларни ташиб келиш ҳолва экан. Бутун бошли кутубхона соҳибига турмушга чиққан эканман".

Шу ўринда унинг бир курсдоши сўзлари: "Биз шоирларга дастхат ёздириб олган китобларимиз ҳам дўстимиз қўлига ўтиб кетганини билардик. Уйланаётганида шу китобларни қайтариб олиш умиди билан тўйига бордик. Биз бирор уйдан бирорта китоб топмадик. Эҳтиёткор дўстимиз барча китобларни яшириб қўйган экан. Китобларимиз уники бўлганига рози бўлиб қайтдик".

"Аканинг нечта китоблари бор, янга",- деб сўрайман, уни китоблардан қизғанадиган Ўлмасхон опадан. "Ками саккиз, кўпи билан ўн минг бордир".

Аканинг ўзидан сўраганимда, "Нари борса қишлоқдаги ва бу ердаги китоблар олти мингга боради", дейди фарзандларини сонини камайтириб (ирим қилиб бола сонини камайтириб айтиш одати бор туркийларда) айтаётган ота каби сирли қилиб.

Аёли Ўлмасхон опа айтади: "Рўзғорда бўлади-да, баъзан тортишиб қолсак, дарров қўлига китоб олиб, сен билан тортишгандан, китоб ўқиганим яхши, дейди. Шу билан оилавий келишмовчилик ўз-ўзидан ечим топади".

Аспирантлигимнинг биринчи йили эди. Шаҳарнинг Гулистон мавзеида ишхонага бирга кетаётиб, рус филолог олими Дун билан сўрашиб ўтдик. "Ходячий энциклопедия шу", дейди ўзгача эҳтиром билан. Орадан ўтган йиллар давомида унинг ўзи ҳам "юриб турган энциклопедия" эканига кўп марта ишонч ҳосил қилганман.

У жуда киришимли инсон. Буни Тошкентда Академия фундаментал кутубхонасига борганимизда кўрганман. Тошкентдай шаҳри азимда, яна Академия фундаментал кутубхонасида уни қоровулдан кутубхона ходимларигача дарров танишади. "Э, келинг, домла", деб керакли китобларни дарров топиб беришганига гувоҳ бўлганман.

У роса ҳожатбарорлиги учун ишхонага ҳамқишлоқлари: "Мавлон ако бормилар?" деб излаб келарди. Биз кафедра аъзолари бу ҳожатбарор акани шу-шу "ако" дейишга ўргандик. Профессор А. Абдуқодировгача "Ако борми?" деб уни сўроқлайди.

Ижтимоий тармоқда курсдош дўсти Садриддин Ашур талабалик даври суратларини қўйиб, "Мавлонберди талабалигимизда кам суратга тушган. Шу суратнинг пулига китоб оламан дерди", деб унинг "китобхўрлиги"га ишора қилади ҳазил билан.

Унинг курсдоши Абдулла Зуҳур эҳтиром билан "Мавлоно" дейди. Ҳатто, шоир Асқар Маҳкам ҳам уни "Мавлоно" дерди.

Ҳар қандай янги чиққан китоб, Тошкентдами, Хўжанддами, албатта, унинг қўлида бўлади.

Бугунги техника тараққиёти ривож топган бир пайтда, унинг китобга бўлган улкан муҳаббати, албатта, таҳсинга муносиб. У оддий китоб йиғувчи "библиоман" эмас, балки "библиолюб" - китобсевардир.

Кўпда унинг китобхўрлигини сал ҳазилга олиб, "Йиққан китобларини ўқишга вақтиям бўлмайди бунинг", - деган гап-сўзлар ҳам бўлади. Аммо бир нарсани аниқ биламан. У ўзи йиққан китобларни ҳеч бўлмаганда, "ҳидлаб кўради". Чунки у бирор бир иқтибоснинг манбасини, яъни қайси китоб, қайси саҳифада эканлигини аниқ айтиб берганига кўп гувоҳ бўлганман.

Курсдош дўсти Абдужаббор ака айтиб берган бу сўзлар унинг соддалигидан далолат. "Мавлонберди бизникида меҳмон бўлиб кетди. Жияним Гулмирадан бизникида унутиб қолган костюмини олиб келишини айтибди. Костюмни жиянимга олиб чиқаётсам, унинг ички чўнтагидан "Шарқ юлдузи" журнали сирғалиб тушди. Қайтиб жойига солиб қўйдим. Агар костюмнинг қуруқ ўзи борса, Мавлонберди хафа бўларди. Биз унинг китобсеварлигига ўрганиб қолганмиз. Шунинг учун костюм чўнтагидаги журнал "китоб ўғирлиги эмас, балки дўстнинг дўстга ҳадди сиққани, деб биламан".

Онгли умрини китобни севишга, китоб йиғишга сарфлаб яшаётган замондошим, ҳамкасбим, филология фанлари номзоди, доцент Мавлонберди ака Суюнов олтмиш ёшга етиб келибди. Олтмиш йиллик умрида олтитаям китоб ўқимаган қанча. Аммо у умри саҳифаларини китобсевар, деган мақом билан безаб яшамоқда.

Бундан ўн йиллар олдин уйимга китоб сўраб келган талабага қизғанчиқлик қилиб, китоб бергим келмаганида, у шундай деганди: "Хазинани доим илон қўриқлаб ётади. Унга хазина умуман керакмас. Мен тушунаман сизни. Китобни яхши кўрасиз. Китоб ҳам хазина. Уни қўриқлаш, эҳтиётлаш шарт. Аммо хазина фойдаланилсагина, бирор бир қийматга эга. Аммо сиз хазинани қўриқлаётган илон эмассиз-ку". Бу сўзлар таъсир кучи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу талаба йигит гапига кириб, неча-неча китобларим йўқолиб кетди. Аммо барибир талабаларга китобларни ўқишга беришда давом этаман. Мен хазина хазиналигидан барча баҳраманд бўлиши тарафдориман. Шу ўринда касбдошимга бир таклифни айтиб ўтмоқчиман. Сахий ва жўмард шоир Абдулло Қаюм беш минг китобидан ҳамқишлоқлар учун хусусий кутубхона қилганди. Нега бизнинг "Маҳмуд Саъдий"имиз ўз китобларидан мутолаага ташна инсонлар баҳра олишини истамайди? Мавлоно кутубхонаси, деган хусусий кутубхона очиш вақти келмадимикан?

Буюк Фёдор Достоевский бепоён Сибирга сургун қилинганда тўрт девор ичида ўтаётган вақтига ачиниб, оиласига ёзган мактубида шундай сўзларни битган экан: "Менга китоб жўнатинг, китоб, кўп китоб, токи қалбим ўлмасин!"

Қалби китоблари билан уйғоқ Мавлонберди Суюновни қутлуғ сана билан қутлаб, баъзида "ўзлаштирилган" китоблар учун узр сўраб қоламан.



*Мунаввара ОЙМАТОВА, Хўжанд.*




√ **Миннатдорчилик сатрлари**

# ШИФОКОРЛАР ОИЛАСИ

Ёвоннинг Кўл қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳақберди Тариқуловнинг фалокат туфайли оёғи синганди. Ёвон ноҳияси марказий касалхонасида олти ой даволанди, лекин оёғи аввалги ҳолатига келмади. Шундан кейин уни кимнингдир маслаҳати билан Турсунзода ноҳияси марказий касалхонасига олиб боришди. У ерда Тожикистонда хизмат



кўрсатган тиббиёт ходими Жўрабой Шамиев беморнинг оёғини текшириб кўриб, "Бемор кўп қийналибди, уч-тўрт ой олдин олиб келганларингда ҳам бунчалик қийналмай, бу пайт тузалиб кетган бўларди", - деди унинг яқин кишиларига.

- Дўхтиржон, оёғини тузата оласизми? Ёвонда тузалади, деб олти ой умидвор бўлдик.Оёқ аввалги ҳолатига қайтмади. Ноилож қолиб сизга олиб келдик. Умидимиз сиздан.

- Тузалади, нега тузалмас экан, даволаймиз, тез орада оёғи аввалгидай бўлади, ишонаверинг.

Жўрабой Шамиев беморнинг оёғини жарроҳлик қилди. "Знахар" номли бадиий филмдагига ўхшаш оёқни қайта синдириб даволади. Бадиий филмдаги воқеалар XIX аср охирларида бўлиб ўтган. Қайта синдириб даволаган шифокорга одамлар дастлаб ишонмаганлар. Ж. Шамиев эса, XXI асрда ўша ишни янги замонавий усулда ҳаммани ишонтирган ҳолда давом эттирмоқда.

Ҳақберди аввалги ҳолатига қайтди. У юриб кетди. Яқинларининг қувончлари чексиз эди.

Ёвоннинг Кўл қишлоғидан Орзиқул Пиримқулов, 8-март қишлоғидан Атоулло Исматовлар ҳам қийшиқ битган оёқ ва қўлларини амалиёт йўли билан қайта даволатиб, кўрмагандай бўлиб кетдилар.

Оёғи синиб, қийшиқ битган қанча-қанча кишилару болаларни Ж. Шамиев даволамаган, дейсиз. Унга республикамиз турли бурчакларидан беморлар мурожаат қилишади. Жарроҳ ҳеч кимни ранжитмайди.

Операция иши қанчалик мураккаб бўлмасин, у шафқат билан, диққат билан синиб, қийшайиб битган суякни қайта синдириб, даволайди.

Кўряпсизки, беморнинг оёғи кўп ўтмай ўз ҳолатига қайтади.

Ўтган асрнинг 45-йилларида Турсунзода ноҳиясида таваллуд топган Жўрабой Шамиев ортопед-жарроҳ мутахассислиги бўйича олий маълумотли шифокор. У "Тожикистонда хизмат кўрсатган шифокор" унвони, бир қатор фахрий ёрлиқ ва ифтихорномалар билан тақдирланган.

Шамиевлар оиласини шифокорлар оиласи, дейишади. У кишининг умр йўлдоши Турсуной Шамиева ҳам олий маълумотли тиб мутахассиси. Ўғиллари Бахтиёр ва Баҳодир Шамиевлар ҳам ота изидан боришган - уролог мутахассислиги бўйича жарроҳ.

Жўрабой Шамиев иқтидорли ва қобилиятли жарроҳ. У ҳар қандай муваффақият ҳамда ютуқларга ҳалол ва машаққатли хизматлари туфайли эришган. Бундай машҳур шифокор ҳамюртимиз билан қанча фахрлансак, шунча оз.

Табаррук 70 ёшдан ошган бўлса-да, Жўрабой Шамиев ҳамон халқ хизматида. Ҳамиша эл хизматига камарбаста шифокоримизга сиҳат-саломатлик, ишларига катта муваффақиятлар тилаймиз.

*Хайрулло ИСМАТОВ, Ёвон ноҳияси.*

Шу куннинг мавзуси

# ЖОНГА ҚАСД ҚИЛИШ – ГУНОҲИ АЗИМ

Кейинги йилларда жамиятимизда ҳар бир соғлом фикрли шахсни ўйлантирадиган, нохуш ва манфий ҳодиса юз бермоқда. Бу ҳаётнинг қадрига етмаган бир гуруҳ ёшларнинг ўз жонларига қасд қилишларидир. Бундай манфий ҳодиса имон заифлиги нишонасидир. Зеро, кўриб-билиб ўз жонига қасд қилиш Ислом динида ҳам гуноҳ ва ҳам ҳаром амал. Ўзгаларни ўлдириш ҳақидаги ҳар гуноҳ ўз жонига қилган шахсга ҳам бевосита дахли бор. Ўзини ўлдириш Аллоҳу таоло омонат тарзида ато қилган жонни йўқ қилиш ҳисобланади. Бу илоҳий омонатга хиёнат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Худованди мутаол "Нисо" сурасининг 2-оятида буюради: "Ўзларингизни ўлдирмангизлар! Дарҳақиқат, Худованд сизларга меҳрибондир".

Инсонларни тарбиялашда Ислом дини таълимотининг мақсади ҳар тарафлама бўлиб, ҳаёт машаққатлари баробарида мўминларни соҳибирода ва собитқадам этиб вояга етказишни биринчи даражали вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Ислом дини мусулмонларнинг қўрқоқ ва заиф ҳолда вояга етишларига ҳаргиз тарафдорлик қилмайди ҳамда бу ҳолатга имон ва исломий ахлоқ ижозат бермайди. Чунки ҳаёт машаққатларидан қўрқиш заиф имонлик аломати, деб билинади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўз жонига қасд қилувчиларни Худойи таолонинг лутфу карамидан маҳрум ва ғазабига гирифтор бўлганлардан, деб биладилар. Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисида шундай келтирилган: "Ўтган умматлардан бир киши ярадор бўлиб, унинг дарду аламига чидай олмасдан, пичоқ билан қўлининг томирларини кесиб ташлайди ва натижада, ҳалок бўлади. Худойи таоло у ҳақида буюради: -Бандам ўз жонига нисбатан мендан олдин қўл узатишга ҳаракат қилди, мен уни жаннатдан маҳрум қилдим" (Имом Бухорий ривояти).

Ўйлаб кўринг, жароҳат аламига чидай олмасдан ўзини ўлдирган одамни Худойи таоло жаннатидан маҳрум қилган бўлса, дунё машаққатларига чидай олмаган, севгилисининг васлига етолмасдан ёки камбағаллик ва қарздорлик сабабидан ўз жонига қасд қилган шахсларнинг аҳволи не бўлгай? Шу мазмунда келган ҳадисларга эътибор беринг:

- "Ҳар ким пичоқ билан ўзини ўлдирса, қиёмат куни ўша пичоқ билан дўзах ўтига абадий ташланади";

- "Ҳар ким ўзини тоғдан ташлаб ўлдирса, дўзах ўтида абадий қолади";

- "Ҳар ким заҳар ичиб ўзини ўлдирса, ўша заҳар қўлида бўлиб, дўзах ўтида абадий қолади";

- "Ҳар ким ўзини бўғиш ёки осиш сабабидан ўлдирса, шундай тарзда дўзахда азоб қилинади";

- "Ҳар ким қайси восита билан ўзини ўлдирса, ўша нарса билан дўзахда азоб қилинади".

Юқорида зикр этилган ҳадислардан Ислом динида ўзини ўлдириш мутлақо дуруст бўлмасдан ҳаром эканлигини



хулоса қилиш мумкин. Абуҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: "Ҳеч ким ўзининг ўлимини орзу қилмасин, агар яхши киши бўлса, яхшилигини зиёда қилсин, агар ёмон киши бўлса, ёмонликларидан тавба қилсин" (Имом Бухорий ривояти).

Яна Абуҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисга биноан, Кирмон номли шахснинг гарчи жанг майдонларида қаҳрамонликлар кўрсатган бўлса ҳам, оқибат ўз жонига қасд қилгани учун Пайғамбармиз (с.а.в.) уни дўзахий, деган эдилар.

Ҳар бир муносиб лаҳзалардан фойдаланиб, ёшларимизга ўз жонига қасд қилиш оқибатини, ҳар қандай восита ва йўллар билан тушунтиришимиз лозим. Зеро, уларнинг аксари ўзини ўлдиришнинг ҳаром эканлигидан бехабар бўлишлари мумкин. Буларга илова тарзда ўз жонига қасд қилган кишининг жанозасини ўқишликка ижозат бермайдиган бир қанча ривоятлар мавжуд.

Жобир ибни Самура ривоят қилган ҳадисга кўра эса, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзини ўлдирган киши жанозасини ўқимаган эканлар. Мазкур ҳадисга асосланиб Имоми Аъзам (р.)нинг машҳур шогирдларидан бири Имом Абу Юсуф ўзини ўлдирган шахснинг жанозасини ўқиш дуруст эмас, деб фатво берган.

"Бани Исроил" сурасининг 70-оятида "Худойи таолонинг инсонга ато қилган неъматларининг афзали ақлдир, унинг сабабидан саодатмандликка эришади", дейилган.

Минг афсуслар бўлсинки, шайтоний нафс васвасаларининг асири бўлган одамлар ҳам топилиб туради. Улар Худойи таолонинг неъмати бўлган ақлни жаҳолат ва таассуб қурбони этиб, оқибат ўзини ўлдириш ва бошқа нодуруст ишларга қўл урадилар. Бошқа одамни ўлдириш ҳам, ўзини ўлдириш ҳам Ислом шариатида ҳаромдир. Ҳеч ким ўзининг майл ва рағбати билан дунёга келган эмас, унинг дунёдан кетиши ҳам ўзига боғлиқ бўлмайди.

Инсон ҳаёти Аллоҳу таолонинг ҳадясидир ва ҳеч кимнинг бошқаларни ҳаётдан маҳрум этишга ҳаққи йўқ. Мўмин банда ҳаётнинг қадрига етиши лозим ва ҳаёт имтиҳон дунёси эканлигига эътиқод қилсин, ҳеч вақт ноумид бўлмасин. Дунёдаги ҳамма нарсалар Аллоҳу таолонинг розилиги билан бўлишига ишонсин. Ишлари яхши ва дуруст бўлганда Аллоҳу таологa шукроналар адо этсин ва бирор мушкулот пайдо бўлганда У зотнинг лутфу карамига умид боғласин.

Эсдан чиқармаслик керакки, ҳаммамиз Аллоҳу таолонинг наздида ўзимиз ва ўзгаларнинг ҳаёти учун масъулмиз. Биз ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаларидан фойдаланиб, жаннатдаги абадий ҳаёт учун ҳаракат қилмоғимиз зарур.

Инсон ҳаёти муқаддасдир. Зеро, у раҳмоний нафасдан бошланган, шунинг учун ҳеч ким ўзи ва бошқаларнинг жонини ҳалокатга етказишга ҳаққи йўқ. Жамиятимиздаги ҳар бир шахснинг вазифаси бундай мудҳиш, Ислом дини ва инсонийлик рафторига хилоф бўлган жиноятларнинг олдини олиш учун биргаликда курашиш, чиройли ва баркамол ёшларимиз бу номақбул амаллари сабабидан абадий жаннат неъматларидан маҳрум бўлмаслигидан иборатдир.

Бугунги кунда аҳёнан бўлсада ўз жонига қасд қилиш каби номатлуб амаллар юз бераётганлиги гувоҳи бўлаяпмиз.Унинг олдини олиш ва бартараф этиш учун ҳар бир ота-она, диний ходимларимиз ва жамиятимиздаги ҳар бир шахс курашиши лозим. Тарғибот ва тушунтириш ишларини кўпайтириб, ёшларга ҳаёт ва Аллоҳу таоло неъматларининг қадрига етишни талқин қилишимиз зурур. Хушҳоллик ва хурсандлик лаҳзалари, ҳар бир олинаётган нафасимиз қадрига етишимиз керак. Зеро, ҳаёт неъмати илоҳийлар ичра инсонга берилган энг улуғ ва афзалидир!..

*Муродхон АЗИМОВ, Имоми Аъзам номли Тожикистон Ислом олийгоҳи ўқитувчиси.*

**МУШТАРИЙ ИЛҲОМИ**

# ҚАЛАМ

*Эй, илоҳ оётида нашъу намо топган қалам,*
*Роббим Аллоҳ ёзувинг-ла айтгандур қасам.*
*Чун сиёҳингдан ёзилган роббим Аллоҳ сўзи бор.*
*Зоҳирингда ҳам малак, ҳам анбиёлар изи бор,*
*Эй қалам! Эъзозга лойиқ сенсан ул шоҳи жаҳон,*
*Бул қаламкаш дўстларинг мақсудига етказ ниҳон.*
*Эй қалам! Эҳё этиб, ёздинг "Расулуллоҳ" сўзин,*
*Тарихоту таърифотда уммати кўрди ўзин.*
*Чориёри бовафо Асҳоб киром қилдинг шинос,*
*Икки оламда ҳадисдан уммат олгай иқтибос.*
*Эй қалам! Хизматларингдан фахр этар аҳли башар,*
*Ҳар бир илҳом сенга ҳамроз инсон ақлидан тушар.*
*Эй қалам! Сен кўнглим сатҳини равшан айлагил,*
*Бу кўнгил кошонасида бор губорни сўйлагил.*
*Дилда занг урган чирик ҳар бир калом, ҳар бир сўзим,*
*Ошкор айла гамимни, то очилсин бу кўзим*
*Эй қалам! Сенга очай багримдаги рози дилим,*
*Ичдаги кўмир куюк зангли тутун айтса тилим.*
*Сен қадим сан кўпни кўрган авлиёлар улфати,*
*Ҳам муҳаббат кўйлагувчи ҳам ёмонлар кулфати.*
*Зоҳиринг чўбдан тарош, ботин сиёҳ, дур сан қалам*
*Кўпчилик ҳамдард сенга-чун ёздурурлар сўз алам,*
*Қоматинг рост, лек ичинг ишқ ўтидан куйган қаро*
*Ҳамманинг дардин ёзиб, ҳамдард бўлибсан халқ аро.*
*Эй қалам! Мавлоно Румий " Маснавий"син дарк этиб,*
*Гоҳ само рақсига мустагриқ бўлиб ҳушдан кетиб*
*Сўфиё, ол май қўлингга, ёр васфин айла ёд,*
*Эй кулоли кўзагар, Хайём хати - фарёду дод,*
*Хожа Ҳофиз жазбасига дош берибсан, эй қалам,*
*Таълими Шайх Саъдийни ёзган ўзинг, қилма алам.*
*Эй қалам! Менга ёзиқ ёзган малак қўлида сан.*
*Шармсор этма бу дўстинг, сен-ку ҳақ йўлида сан.*
*Дўст қалам, қўлимда сан, зангдор ичим тўкиб сочай,*
*Сенда бор дўстлик вафо, мен дилдаги розим очай*
*Ё Илоҳо, меҳрибоним, дард ила берма алам,*
*Васфинг ардоқлай сени, сўнги нафас қўлда қалам.*

*Аслиддинҳожи ХУШМАТОВ, Душанбе шаҳри.*

√ **Ибрат дарси** =====

# ҚАЙТАР ДУНЁ



Отасининг ўлимидан бир фурсат ўтиб, иш билан банд ўғил касалманд кекса онани қариялар уйига топширишга қарор қилди. Ўғил ора-чора волидасининг ҳолидан хабар олиб турди.

Кунлар ўтди. Бир куни қариялар уйидан қўнғироқ қилишди: вазият жиддий - она оғир аҳволда ётибди, ўғлига айтадиган сўнгги сўзи бор экан.

Ўғил зудлик билан унинг ёнига шошди.

Ажал билан курашаётган она темир каравотда ҳолсиз тўлғанар, ўғил сўнгги сўзни эшитмоқ учун унинг лабларига қулоқ тутди.

"Ўғлим, сендан сўнгги илтимосим - қариялар уйи хоналарига кондиционерлар ўрнаттириб берсанг. Қарилик боис, совуқ ва иссиқ кунларда жуда қийналдим. Кейин, бу ерга музлаткич ҳам олиб келиб қўй, баъзида тунлар уйқум қочганида, айнимаган бирор нима топа олмай, оч ётиб, қийналдим".

Онанинг ўтинчидан ҳайратда қолган ўғил унга тикилиб қолди. Шунча вақтдан буён бу қийинчиликларга чидаб келиб, оғиз очмасдан, нега умр адоғида бу қулайликларни адо этишини ёлвораётганини сўради.

"Мен-ку, буларга чидадим, болам! Лекин сендан хавотирдаман. Кун келиб, болаларинг сени бу ерга ташлаб кетишса, сенинг ҳолинг нима кечади, болажоним?!." жавоб қайтарди онаизор.

*Жумабой АБДУРАҲИМОВ тайёрлади.*

*Саҳифа масъули Абдулло САИДОВ.*

## Сўраган эдингиз...



**Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.**

## ИМТИЁЗГА ЭГА ШАХСЛАР

***САВОЛ:***

-Ҳурматли редакция ходимлари! Марказлаштирилган кириш имтиҳонларида қатнашиш мақсадида имтиёзга эга бўлиш учун нима қилиш керак?

*Толмас Фармонов, Панжакент шаҳри.*

***ЖАВОБ:***

- Абитуриентларга енгиллик бериш мақсадида спорт соҳасидаги ютуқлари ва Тожикистон Республикаси Қуролли кучларида ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган шахсларга Марказлаштирилган кириш имтиҳонлари (МКИ)да қатнашиш учун бериладиган имтиёзга эга бўлишга тавсия этиладиган ҳужжатлар тартибига ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, эндиликда юқорида зикр этилган шахсларнинг тегишли ҳужжатлари нотариус томонидан тасдиқланиши лозим эмас.

Имтиёзга эга бўлишни истаган шахс оддий абитуриент тавсия этадиган ҳужжатларга қўшимча равишда имтиёзларини тасдиқлайдиган ҳужжатлари билан мурожаат этиши лозим. Бундай ҳужжатларга қуйидагилар киради:

-Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг Ижтимоий ташхис-табобат давлат хизматининг хулосаси ҳамда абитуриентнинг I ёки II гуруҳ ногирони эканлиги тўғрисида маълумотнома ва уларнинг нусхаси;

- ота-онасининг ўлим хати, абитуриентнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ва бу ҳужжатларнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси (21 ёшгача бўлган ғирт етимлар учун);

- тегишли давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органи томонидан берилган қаровчисиз эканлиги ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, суднинг бу борадаги қарори ва унинг нусхаси (21 ёшгача бўлган қаровчисизлар учун);

- ота-онасининг ўлим хати, абитуриентнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ва бу ҳужжатларнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси (ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўтаётган ёки шу ҳолатда ногирон ёки касалга учраб, натижада ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 21 ёшгача бўлган фарзандлари учун);

-Тожикистон Республикаси Маориф ва илм вазирлигининг республика ёки халқаро фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритгани тўғрисидаги тавсияномаси (1,2, ва 3-ўринларни эгаллаганлар учун);

-Тожикистон Республикаси Маданият вазирлигининг ихтисослашган республика ёки санъат ва маданият соҳалардаги халқаро кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритганлиги тўғрисидаги тавсияномаси (шундай ютуқларга эга кишилар учун);

-Тожикистон Республикаси терма жамоаси аъзоси эканлиги ҳақидаги гувоҳнома, «Тожикистон Республикасининг халқаро даражадаги спорт устаси», «Тожикистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси», «Тожикистон Республикаси спорт устаси» унвонлари ёки «Тожикистон Республикаси спорт устасига номзод» даражалари ва уларнинг нусхаси (шундай ютуқларга эга кишилар учун);

-ҳарбий билет ёки ҳарбий билет ўрнига берилган вақтинчалик гувоҳнома ва уларнинг нусхаси (Тожикистон Республикаси Қуролли кучлари сафида ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган шахслар учун).

***Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Миллий тест маркази онлайн хизмати.***

# ЗАМИНУ ЗАМОННИ ЯШАРТИР, НАВРЎЗ!

**Ҳар тунинг қадр ўлибон,**
**Ҳар кунинг бўлсин Наврўз.**

*Алишер НАВОИЙ.*



Ҳар бир халқда қадим-қадимдан ўз ҳаётини гўзал, жўшқин, ширин қилиш учун табиий бир интилиш бўлган. Бунинг учун эса, турли хил байрамлар, расм-русумлар, маросимлар ҳаётга жорий қилинган. Булар ўз навбатида одамларнинг ҳаётини безаган, турмушга мазмун бахш этган.

Мана шундай тантаналардан бири - асрлар қаъридан бизгача етиб келган Наврўз байрамидир. Йилдан-йилга ўз ҳусн тароватини ва гўзаллигини кўз-кўз қилиб келаётган ушбу айём, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг ташаббуси билан халқаро байрам мақомини олгач, янада кўркамлик касб этиб, Шарқнинг буюклигини жаҳонга танитмоқда. Мамлакатимизда Наврўзнинг бир неча кун байрам қилиниши ҳам аҳамиятлидир.

Наврўз – тириклик рамзи, ҳаёт байрами. Чунки баҳор келиши билан борлиқнинг



ранги, тароватни ўзгаради. Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари Ёвон ноҳиясидаги Ҳаёти Нав жамоатига қарашли Ваҳдат-1 қишлоғи ўйингоҳига ўзгача бир тароват бахш этиб, безатилган Наврўз дастурхони атрофида тўпланганлар қалбидаги байрамона сурурни сўз билан ифодалашга қалам ожизлик қилади.

Байрам дастурини ўқитувчи Бургут Эргашев очиб, сўзни жамоат раиси Шозода Субҳонга берди. У киши Ёвон ноҳияси раиси Амирбеки Темурнинг байрам табригини йиғилганларга етказиб, аждодий янги йилда янги муваффақиятлар, Наврўздан Наврўзгача юртимиз равнақи йўлида улкан ишларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида қисқача нутқ сўзлади.

Жамоат миқёсида ўтказилаётган ушбу тадбирга шу жамоат ҳудудидаги 11та умумтаълим муассасалари ўзларининг байрам дастурларини тақдим этди. Шунингдек, Ваҳдат қишлоқ маҳалла раиси Ханнаев Тоир ташаббуси билан жамоат таркибидаги барча қишлоқ фаоллари дошқозонларда турли хил баҳорий таомлар тайёрлаб, йиғилганларга зиёфат уюштирди ва 18та камтаъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

Тадбирда мезбон сифатида иштирок этган Холберди Шамсиддинов номли 61-ўрта умумтаълим муассасаси талабаларининг «Баҳорой», «Наврўзой», «Бободеҳқон» тимсоллари меҳмонларни ўзларининг рамзий монологлари билан хушнуд этишди. Шунингдек, муассасанинг кичкинтой ўқувчилари Ватан, Наврўз, баҳор, халқлар дўстлиги-ю тинчликни тараннум этувчи шеърларни ўзбек ва тожик тилларида маҳорат билан қироат қилдилар.

Байрам шодиёналарида муассасанинг 11-синф ўқувчилари томонидан тайёрланган миллий рақслар, қизиқарли саҳначалар томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди. Жумладан, Муҳриддин Нурматов, Дилфуза Мирзахонова, Ботиржон Ханнаев, Комил Эргашев,







Дилноза Сатторова, Фотима ва Ҳусан Эшонкелдиевларнинг чиқишлари алоҳида таҳсинга эга.

Байрам тантаналарини ташкил этиш ва ўтказишда 61-ўрта умумтаълим муассасаси директори Бахтали Каримов, ўқитувчилар Бургут Эргашев, Гулчеҳрахон Қарахонова, Худойназар Бобоев ва Алишер Холматовнинг алоҳида хизматлари бор.

Инсон шундай яралганки, у ҳамиша яхши нарсаларга, эзгуликка интилиб яшайди. Шундай экан, одам боласи ўз саъй-ҳаракатлари, қилмишлари, умр йўллари ҳақида ҳар йили – Наврўз арафасида фикрга ботади ва бу фикрлар оғушида келажакка умид билан яшайди. Наврўзнинг ажойиб хислатларидан бири, унинг очилиш маросими, яъни бошланиши ажойиб эҳтирослар билан кўринса, байрамнинг ёпилишини сезмайсан ҳам киши. Чунки, тантаналар қўшни қишлоқ ва маҳаллаларда давом этаверади. Наврўз ҳар бир кишининг қалбида бир йилга етадиган ёрқин таассурот, тетиклик қолдиради. Байрамдан сўнг одамлар бардамлик ва кучқувватга тўлган ҳолда яхши кайфият, кўтаринки руҳ билан ишга киришадилар. Зеро, шоир айтганидек:

***Баҳордан бошланар***
***гўзаллик фасли,***
***Йилнинг илк тонгидир***
***оламда асли.***
***Наврўзни хуш кўрган***
***хуш яшар абад,***
***Бахтга мушаррафдир***
***ул инсон насли.***

*Ҳайтали БОЕВ,*
*«Халқ овози».*

**Суратларда тантаналардан лаҳзалар акс этган.**

*Суратчи:*
*Турсунбой Хушвақтов.*

*Маснавийдан ҳикоя*

# ТОЖИР МЕҲМОН

Қадим замонларда бир шаҳарлик киши қишлоқлик киши билан дўст эканлар. Ҳар вақт қишлоқлик киши шаҳарга келганида дўстининг уйида икки-уч ой меҳмон бўларди. У ҳар саҳар дўстининг дўконига бориб, ундан ўзининг дўкони каби фойдаланарди. Шаҳарлик киши бўлса, дўстининг харажатлари учун ҳеч нарса талаб қилмасди.

Қишлоқлик киши шаҳарлик дўстининг иззат-икромини бажо келтириб, кунларнинг бирида унга деди:

-Эй, хожа! Сен ҳеч қачон бизнинг қишлоғимизга келмагансан. Нима бўларди, азбаройи Худо бир марта фарзандларинг билан бирга уйимизда меҳмон бўлсанг. Масалан, ҳозир баҳор мавсуми ва гулу гулшан замони. Кел, бизнинг уйга борайлик. Агар хоҳласанг, ёз фаслида кел, у вақтда мевалар пишиб етишади. Мен сен ва фарзандларинг хизматини бажо келтирмоқ истайман. Ҳатто, хотининг ва хешу ақраболаринг билан бирга кел. Бизнинг қишлоқда уч-тўрт ой меҳмон бўл. Баҳор пайтида қишлоқ жуда чиройли бўлади. Экинзор ва чиройли гулу лолалари бор.

Шундай қилиб, қишлоқлик киши ажойиб сўзлар билан дўстини қишлоққа даъват этди. Шаҳарлик киши дўстига қарата деди:

-Худо хоҳласа, бирор кун меҳмон бўламиз.

Орадан саккиз йил ўтди. Қишлоқлик киши ҳар йили шаҳарга келиб, дўстининг уйида меҳмон бўларди ва дерди:

-Сен қачон қишлоққа келасан? Неча баҳору қиш ўтди. Мен аҳли оилам билан ҳамиша сизларга мунтазир.

Шаҳарлик киши ҳар марта бирор баҳона билан жавоб берарди:

-Бу йил кўп меҳмонлар келишди, боролмадим. Қачонки ишларимиз енгилроқ бўлса, ўшанда қишлоққа бориб, меҳмон бўламиз.

Қишлоқлик киши ҳар йили шаҳарга келарди ва ҳамиша лайлак мисол дўстининг уйи томига қўнарди. У неча ойлар ўзидан бирор дирҳам сарф қилмай, шаҳарлик киши ҳисобидан яшарди.

Шу йўсинда орадан яна ўн йил ўтди. Охирги марта қишлоқлик киши дўстининг уйида уч ой яшаб, кўп хижолат бўлди. У ортиқ чидай олмасдан, қайтишдан олдин қатъийлик билан дўстига деди:

-Қачонгача ваъда берасан?! Нима учун ҳамиша важ келтириб, бизнинг меҳмонимиз бўлмайсан? Худо ҳаққи, бу йил қишлоққа боришинг ҳақида ваъда бергин.

Шаҳарлик киши: «Муҳим ишларим бор, агар борсам, кўп тура олмайман», - дебди. Аммо хожанинг фарзандлари унга дебдилар:

-Ота, сиз ўз дўстингиздан кўп ҳаққингиз бор. Унинг ишларидан кўп ранж чеккансиз. У ҳам заҳматларингиз эвазига сизга бирор хизмат қилишни хоҳлаяпти.

Шаҳарлик киши фарзандларининг хоҳишу изҳоридан сўнг рози бўлибди. Неча муддатдан сўнг, шаҳарлик киши тайёргарлик кўриб, аҳли оиласи билан йўлга чиқибдилар. Улар отларга миниб, йўл юриш вақтида қишлоқлик кишининг меҳмондорчиликлари ҳақида ўзаро суҳбатлашардилар.

Ниҳоят, бир ойлик узоқ сафардан сўнг хожа аҳли оиласи билан қишлоққа етди. Улар йўлда кўп чарчашди. Отлар ҳам ўтсизликдан беҳол бўлди. Аммо, улар дўстлари уйининг олдига келган вақт қишлоқлик киши улардан юз ўгириб, уй эшигини ёпди.

Кечаси ёмғир шиддат билан ёғди. Тожир меҳмон иккинчи марта қишлоқлик дўстининг уйи олдига келиб, эшикни тақиллатди. У ёмғирли кечада ўзи ва оила аҳли учун бир бурчакда жой беришини илтимос қилди.

Қишлоқлик деди:

-Сенлар учун бир бурчакдан жой бераман. Аммо, кечаси қўлга ўқу камон олиб, посбонлик қиласиз ва бизни бўрилар ҳамласидан ҳимоя қиласиз.

Бечора тожир шартни қабул қилиб, хотини ва фарзандлари билан бир бурчакда жойлашибди. У тонггача ухламасдан, посбонлик қилибди.

Ярим кечада тоғдан бўрилар галаси тушибди ва шаҳарлик киши бўрилардан бирига ўқ узиб, ерга қулатибди. Аммо қишлоқлик киши:

-Сен нима иш қилиб қўйдинг? У бўри эмас эди, балки менинг эшагимнинг курраси эди, - дея фарёд кўтарибди.

Шаҳарлик киши у ҳайвоннинг бўри эканлигини яхши биларди, қишлоқликдан сўрабди:

-Сен бу қоронғи кечада ўлдирилган ҳайвон эшагингнинг курраси эканлигини қаердан биласан? Мен-ку уни қоронғулик ва ёмғирли пайтда отдим?

Қишлоқлик киши жавоб берибди:

-Мен уни нафас олиши ва қулоғининг қоралигидан танийман.

Бу сўзларни эшитиб, тожирнинг сабр косаси тўлибди. У қаттиқ ғазабланиб, қишлоқликнинг ёқасидан олибди ва дебди:

-Эй, аблаҳ! Сен эшагингнинг куррасини ёмғирли кечада узоқдан танийсан. Сени неча ой ва йил ҳурмат-иззат билан меҳмон қилган дўстингни нега танимайсан?

Бу ҳодисадан ибрат дарси олган тожир бу қишлоқлик билан дўстлигини узиб, эрталаб хотин ва фарзандлари билан шаҳарга томон йўлга чиқибди.

**«Аҳмоқларнинг ваъдаси кўп,**
**Аммо анга вафоси йўқ».**

*Тожик тилидан Муҳаммадражаб БЕРДИЁРОВ таржимаси.*




**Ҳурматли билимдонлар!**

**Газетамизнинг жорий йил 16 февралда чоп этилган 7-сонидаги саволларга муштарийларимиз томонидан йўлланган SMS жавобларнинг барчасида ҳам тўғри жавоб кўрсатилмаган. Эслатиб ўтамиз, саволларнинг барчасига тўлиқ ва мукаммал жавоб йўллаган газетхонларгина туҳфа соҳибига айланишлари мумкин.**

*Энди эса, тўғри жавоблар билан танишинг:*

*1. Жуда кўп юртларда бўлган ва бир нечта тилларни билган дайди олим Алфред Нобел эди.*

*2. Ҳайкалтарош кўр бўлганлиги сабабли қоронгида ижод қилган.*

*3. Чунки кино янги чиққан пайтлари титрда актёрлар исми ёзилмасди.*

*4. Монолог муаллифи чувалчанг эди.*

*5. Қиморбоз-рақиблар. Ёгли қўл билан қартани ушлаб, уни из қолдиришда ва қаллобликда айблашгач, у гўшт устидан яна бир бўлак нон қўйиишларини сўраган. Мижозлар кейинчалик Сэндвич еган егуликдан беринг, деб унинг номини бутун дунёга Сэндвич деб тарқалишига хизмат қилишган.*

**Ҳурматли муштарийлар!**

**Саволлар газетамизда мунтазам берилиб борилмоқда. Бир ой муддатида тўғри жавоб йўллаб, туҳфамизни қўлга киритинг.**

**Тўғри жавобни 93-343-22-73 телефон рақамига ёки abdurazokova@bk.ru электрон почтасига SMS орқали юборишингиз мумкин. Жавоб йўллаш муддати - бир ой.**

**1.** Одатда биз мусулмонларда ҳамма ишларни бисмиллоҳ, деб ўнг оёқдан бошлашади. Лекин барча бу ишни чап оёқдан бошлаб, чап томондан тугатади. Айрим ҳолларда агар ўнг оёқдан бошламаса, асосан, чап оёқдан бошлашади. Кимда-ким бу ишни орангизда қилган бўлса, у ҳам чап оёқни биринчи бўлиб қўйиган. **Савол: гап нима ҳақида кетмоқда?**

**2.** Жалолиддин Румий уни: -Йўлчини адашмай манзилига элтувчи сокин отдир. У отни оз-оздан миниб, кам-кам ўргатиш даркор. У идрок ва фаросат чашмасининг кўзини очур. Гарчи бу от инсон танасини азобланишига олиб келса ҳам, инсоннинг бардоши ундан чархланиб, фойдаси танасига қолур, - дея таърифлаган. **Ҳурматли билимдонлар, Жалолиддин Румий бу ҳикматида нимани сокин отга қиёслаган?**

**3.** Тўртта ярим ой, ҳар бирида яна тўрттадан тешикча. Тўртта ярим ойни тўртта тошга банди қилдим. Банди бўлгунча тўртта тош қон йиғлади. Чунки тўртта тошнинг жони бор. **Юқоридаги жумбоқ остида нима яширинган?**

**4.** 1918 йили эндигина 18 ёшга тўлган берлинлик бу этикдўз йигитчанинг омади келиб, ҳарбий хизматдан қолиб кетади. Ўша пайтда Биринчи Жаҳон уруши ҳали давом этаётганди. Балки у хизматга кетганда, урушда оддий бир жангчи сифатида вафот этиши мумкин эди. У 1972 йили дунёга машҳур фирманинг асосчиси сифатида дафн этилади. **Сизлардан бу кишининг исм-шарифини эмас, унинг дунёга машҳур фирмаси номини сўрамоқчимиз.**

**5.** Инсондаги тана аъзоларини мукаммал ўрганган Леонардо да Винчининг фикрича, ундаги энг серҳаракат аъзо у бўлиб, у чўзилувчан, қисқарувчан, озувчан, семирувчан, эгилувчандир. Ундаги мускуллар сони 7та. Бу аъзо нега Леонардо да Винчини қизиқтириб қолгани тушунарсиз ҳолат. **Савол: бу инсоннинг қайси аъзоси?**


## ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

### *ЭЪТИБОР НАДОРАНД*

Шаҳодатномаи маълумоти умумии асосӣ ШТС № 0054631, ки онро МТМУ № 15-и н. Восеъ ба Исматова Лутфия Бозоровна додааст, бинобар сабаби гум шуданаш, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шаҳодатномаи гумшудаи кооперативи тиҷоратии "Мудассиров", ки бо РЯМ 5310004004 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Деваштич 17.06.2011с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шиносномаи техникии гумшуда, ки онро КДФ БММҒМ-и н.Рудакӣ 12.02.1985 с. ба Абиров Холмурод додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шаҳодатномаи хоҷагии деҳқонии "Султон", ки дар идораи нотариалии н.Лахш мувофиқи реестри 192 аз 10.06.1999 с. ба қайд гирифта шуда буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Дипломи гумшудаи ЦТ № 014859, ки онро с. 1996 омўзишгоҳи касбӣ-техникии № 59-и ш. Турсунзода бо ихтисоси кафшергари газӣ-барқӣ ба Қилычев Мирсаид Сафаралиевич додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

### *БАРҲАМ МЕХЎРАНД*

ҶДММ "Лоиқи -Лутфулло", ки бо РЯМ 4010014781 ва шаҳодатномаи №0260343 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Ёвон 25.05.2013с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

Соҳибкори инфиродӣ Саидов Нурали Шарифхонович, ки бо РЯМ 4030013222 ва РМА 405017178 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Ёвон аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

***

ҶДММ "Сорбон -2012", ки бо РЯМ 1210006921 ва РМА 120036692 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Рудакӣ 04.12.2012с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

"Маркази худмаблағгузарони ва безараргардонии н.Ҷ. Балхӣ", ки бо шаҳодатнома ва РЯМ 3310006215 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Ҷ.Балхӣ 30.06.2010с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.



халқ овози

«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ.
Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.

«Голос народа» - на узбекском языке.
Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель:
Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

Бош муҳаррир
Ёқубжон
АБДУМАНОНЗОДА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

Таҳрир ҳайъати:
*Раҳмон Озода Эмомали* - ТР Президенти Ижроия аппарати раҳбари
*Абдужаббор Раҳмонзода* - ТР Президентининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси
*Ўлмас Жамол* - шоир
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. Э. Шукуров. (1-4 саҳ.)*
*2. З. Умаров. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: И. Маҳмадалиев.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru
Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 5 апрел соат $14^{30}$
Тиражи 6107 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.